

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**

Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат Университети

Магистратура бўлими

Хамраев Сарвар Бахтиёрович

**Тема: Хива йилномаларидаги қорақалпоқлар ҳақидаги
маълумотлар**

Мутахассислик: 5A220201 - Тарих (Ватан тарихи)

Тарих магистри даражасини олиш учун таклиф қилинган

ДИССЕРТАЦИЯ

Магистрлик диссертация «Ўзбекистон ва Қарақалпоғистон тарихи»
кафедрасида кўриб чиқилди ва ҳимояга лойиқ деб топилди.

Кафедра бошлиғи:

доц. Ҳакимниязов Ж.

Илимий раҳбар:

доц. Сайманов С.

Нукус - 2012 й.

М У Н Д А Р И Ж А:

Кириш.....	3-7
I боб. Хива хонлигидаги тарихчилар ва уларнинг асарлари.....	8-22
II боб. XIX асрдаги Хива йилномаларида қорақалпоқларнинг маъмурий тузилиши тўғрисидаги маълумотлар.....	23-40
III боб. Қорақалпоқларнинг ер эгаллиги ва чорвачилик хўжалиги ҳақидаги маълумотлар	41-48
IV боб. Қорақалпоқларнинг қўзғолонлари ҳақидаги маълумотлар.....	49-74
Хулоса	75-79
Фойдаланилган адабиётлар	80-83

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши халқимизга нафақат сиёсий, ижтимоий – иқтисодий эркинлик, балки ҳаққоний тарихини яратишга кенг имкониятлар яратди.

Ўзбек халқи мустақилликка эришиши билан унинг миллий ўзлигини англашга катта имкониятлар яратилди. Миллий давлатчилик асосларимиз яратилаётган бугунги кунда тарихимизнинг барча соҳалари қаторида аجدодларимиздан қолган сиёсий меросимизни чуқур ва холисона тадқиқ этиш долзарб масалалардан бирига айланди.

Зеро, ўзбек халқининг миллий давлатчилик тарихи минг йиллар аввал шаклланган бўлиб, бугунги кунда қурилаётган давлат асосларимиз тарихнинг бизга берган тасодифий имконияти эмас. Тарихнинг илдизлар бор жойда тараққиёт бўлиши ҳақидаги ўзгармас қонуниятлари мавжуд. Бу қоидалар бугунги кунда ўзбек давлатчилиги мисолида ўз ифодасини топомқда. Ҳозирги даврда халқимизнинг сиёсий меросини қайта тиклаш ва уни сайқаллаштирган, модернизация этган ҳолда давом эттириш давр эҳтиёжига айланди.

Мустақиллик йилларида олимлар томонидан олиб борилаётган кенг қўламли тадқиқотлар аجدодларимиз томонидан бой тарих, ўзига хос миллий давлатчилик таълимотлари, йирик маънавий бойликлар яратилганлигини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда халқимизнинг илмий жиҳатдан манбаларга асосланган тарихини яратиш вазифаси қуйилган. Қорақалпоқ халқининг тарихини ўрганишда Хива хонлигидаги тарихчиларнинг асарлари ва Хива хонлиги архив ҳужжатларини ўрганиш муҳим ўрин тутди. Қорақалпоқ халқининг иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий воқеаларини характерлаб берадиган ҳужжатлар халқимиз тарихи учун катта аҳамиятга эгадир. Амалда ёзма манбалар ва архив материаллари тарих фанини ўрганишдаги асосий манбалардан бири ҳисобланади.

Магистрлик диссертациямизнинг назарий ва услубий асослари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, тарихчиларимизнинг Хоразм ҳамда унинг ўзбек тарихида тутган ўрни ҳақидаги фикрлари, ёзма манбаларни ҳолисона таҳлил қилиб хулосалар чиқариш сингари талаблар ишимизнинг методологик асосини ташкил қилади. Бундан ташқари ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихининг концептуал қоидаларига таяниб иш кўрдик.

Президент И.А.Каримов 1998 йилда олимлар билан бўлган учрашувда ватан тарихи фани олдида турган долзарб муаммолар, жумладан, миллий давлатчилигимиз тарихини ҳар тарафлама ва чуқур ўрганиш, ундаги маънавий асосларга таяниш лозимлиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» ги 1998 йил 27 июль қарори методологик асос бўлди. Президентимизнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асари эса тарихий хотира ва маънавий ҳаёт масалаларини қамраб олган тарих фанининг ижтимоий, сиёсий ҳаётдаги ҳақиқий ўрнини кўрсатишга ёрдам берди.¹

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Хива хонлиги сарой тарихчилари Муҳаммадризо Огаҳийнинг тарихга оид Риёз уд-давлат» (1825-1842 йил воқеалари), Зубдат ут-таворих» (1843-1846 йил воқеалари), «Жомеъ ул-воқеоти султоний» (1846-1855 йил воқеалари), «Гулшани давлат» (1856-1865 йил воқеалари), «Шоҳиди иқбол» (1866-1872 йил воқеалари) асарлари хонлик тарихи бўйича, жумладан хонлик таркибидаги қорақалпоқлар тарихи бўйича асосий манбалардир. Мунис ва Огаҳийнинг тарихий асарларини ўрганиш ва оммалаштириш борасида шу пайтгача талайгина илмий тадқиқот ишлари қилинган. Ўзбек тарихчилари билан бир қаторда рус шарқшунослари ҳам Мунис ва Огаҳий тарихий асарларини ўрганиб, ўзларининг ижобий фикрларини билдириб ўтганлар, шу ўринда В.В.Бартольднинг фикрларини

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Шарқ, Т., 1998.

келтириб ўтиш мумкин. В.В.Бартольд Мунис ва Огаҳийнинг тарихий асарларига бундай баҳо беради: «Мунис ва Огаҳий томонидан яратилган адабий ва тарихий асарлар қанчалик камчиликка эга бўлмасин, тарихий воқеаларни баён этиш ва уларда келтирилган фактик материалларнинг кўплиги жиҳатидан бизгача етиб келган Қўқон ва Бухоро хонликлари тарихи бўйича ёзилган ҳамма асарларни анча орқада қолдиради»¹.

Мунис ва Огаҳийлар томонидан яратилган асарлар Хоразм тарихи ва маданиятини ўрганишда бирламчи манба бўлиб шу билан бирга Хива хонлиги таркибида яшовчи қорақалпоқларнинг сиёсий тузуми, бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид маълумотларни аниқлашда ҳам яқиндан ёрдам беради.

Хива хонлиги архиви академик М.Й.Йўлдошев, П.П.Ивановлар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган, монографик асарлар яратилди.²

Яна Ю.Э.Брегельнинг «Қорақалпоқ тарихи ва этнографиясига оид Хива хонларининг архив ҳужжатлари» номли асари нашр этилди.³ Бу асар қорақалпоқ халқининг 1873 йилгача бўлган давр тарихи ва этнографиясига оид ҳужжатлардан 39 тасининг таржимаси кичкина чизик ости изоҳлари билан берилган. Муаллиф ўз асарида ҳужжатларни тавсифлаб, таржимасини нашр этишни мақсад қилиб қуйган. Бироқ, китоб баъзи бир ноаниқликлардан ҳоли эмас. 1977 йили мазкур монография муаллифининг «XIX-XX аср бошларидаги қорақалпоқлар тарихига оид муҳим ҳужжатлар» номли асари чоп этилди. Асарда Хива хонлари архивидаги 43 ҳужжатнинг матни кириш сўз, изоҳ ҳамда кўрсаткичлар билан берилган.

Қорақалпоқ ва Хоразм халқларининг тарихи, этнографияси, иқтисоди билан шуғулланувчи олимларимиз ўз монография ва диссертация ишларида Хива хонлиги тарихчиларининг асарлари ва архив ҳужжатларидан қисман

¹ Бартольд В. История культурной жизни Туркестана//Бартольд В. Сочинения. Москва, 1963. т.2, ч.1, с.275

² Иванов П. Архив хивинских: ханов. Ленинград, 1940; Иванов П. Очерки истории каракалпаков//Материалы по истории каракалпаков. Москва-Ленинград, 1935; Йўлдошев М.Ю. Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. Т., 1959; Йўлдошев М.Ю. Материалы по истории каракалпаков// Общественные науки в Ўзбекистана 1965 № 1.

³ Брегель Ю.Э. Документы архива хивинских ханов по истории и этнографии каракалпаков М., 1967.

фойдаланишган, қорақалпоқ тарихи, этнографиясига доир ҳужжатларнинг баъзи бирларини таржима қилиб, ўз ишларининг иловасида келтирганлар. Бундай олимларимиздан Т.А. Жданко¹, Я.М.Досумов², С.К.Камалов³, Б.В. Андрианов⁴, А.Қўшчановларни⁵ кўрсатишимиз мумкин. Булардан ташқари, Қ.Мунировнинг «Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари», Абулғози Боҳодирхоннинг «Шажарайи турк» асари, О.Жалиловнинг «XIX-XX аср бошларидаги қорақалпоқ тарихидан» асари ҳам Хива давлат ҳужжатлари асосида яратилган.⁶

Мақсад ва вазифалари. Магистрлик диссертациямизнинг мавзусини ўрганиш ва илмий тадқиқ қилиш жараёнида Хива хонлиги тарихчилари асарлари, Хива хонлиги архив ҳужжатлари ва улар ҳақидаги тарихшунослик асарлари заминида қорақалпоқ халқининг XVIII-XX аср бошларидаги тарихини тарихий изчиллик ва илмий таҳлил асосида ёритиш бош мақсад этиб қуйилган.

Бунда қуйидаги муаммоларга алоҳида эътибор қаратдик.

- Хива хонлиги тарихчилари ва уларнинг асарларида қорақалпоқлар ҳақидаги маълумотлар.

- Қорақалпоқларнинг ҳудудий маъмурий тузилиши тўғрисидаги маълумотлар

- Ер эгалиги ва чорвачилик ҳўжалиги ҳақидаги маълумотлар.

Магистрлик диссертациямизнинг амалий аҳамияти. Магистрлик диссертациямизнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, у XVIII-XX аср бошидаги қорақалпоқ халқи тарихини урганувчилар учун тарихий манба бўлиб ҳисобланади. Магистрлик диссертациямизда қорақалпоқларнинг яшаган

¹ Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. Ленинград, 1950;

² Досумов Я.М. Очерки истории Каракалпакской АССР, 1917-1927. Нукус-Ташкент: «Фан», 1960

³ Камалов С.К. Завоевание каракалпаков хивинскими ханами в конце XVIII- начале XIX вв. Нукус:Госиздат, 1959; Камалов С.К. Каракалпаки в XVIII-XIX веках. Ташкент, 1968

⁴ Андрианов Б. В. Архив А. Л. Куна //Советская этнография, 1951. №3

⁵ Кошанов А. Из истории аграрных отношений в Хивинском ханстве в конце XIX-начале XX вв // Автореф. канд., дис., 1966.

⁶ Муниров К. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. Тошкент, 1960; Абўлғози Баҳодирхон. Турклар шажараси. Нукус, 1994; Жалилов О. XIX-XX аср бошларидаги қорақалпоқ тарихидан Фан. Т., 1985.

худудлари, маъмурий тузилиши, сиёсий, ижтимоий – иқтисодий тарихи тўғрисидаги маълумотлар берилган. Магистрлик диссертациямиздан Тарих ва ҳуқуқ факультети талабалари «Ўлкашунослик», «Манбашунослик», «Қорақалпоғистон тарихи» фанларида фойдаланишлари мумкин.

Магистрлик диссертациянинг тузилиши. Магистрлик диссертация кириш, тўрт боб ва хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I боб. Хива хонлигидаги тарихчилар ва уларнинг асарлари.

Абулғозихон ва унинг «Шажарайи турк» асари.

Абулғозихон олим ва тожу тахт соҳиби бўлган. У қарийб 20 йил (1644-1664) Хоразмни идора қилди. Лекин тарихда олий ҳукмдор сифатида эмас (тарихда жаҳонни титратган не-не подшолар ўтмади, лекин аллақанчалар улардан ном-нишон қолмаган), балки йирик олим сифатида қолди. Илмнинг хосиятидан шундай бўлди, дарҳақиқат, Абулғозихон кенг ва чуқур маълумотли киши эди. «Бу фақирга-деб езган эди унинг ўзи,- худои таоло иноят қилиб кўп нимарса берган турур. Хусусан уч ҳунар берган турур.¹

Аввал, сипоҳийгарликнинг қонуни ва йусуниким нечук отманшақ ва юрумак ва евға есоқ ясамақ, кўп бирлан юруганда нечук қилмоқ, оз бирлан юруганда нечук қилмоқ, дўстға душманға нечук сўзлашмақ. Иккинчи, маснавийет ва қасоид ва ғазалиёт ва муқаттаъот ва рубоиёт ва барча ашъорни фаҳмламаклик, арабий ва форсий ва туркий луғатларнинг маъносини билмаклик. Учинчи, одам аҳдиндин то бу дамғача Арабистонда, Эрон ва Туронда ва Мўғулистонда ўтган подшоҳларнинг отлари ва умрларининг ва салтанатларининг кам ёки зиёдин билмаклик».

Абулғозихон 1603 йилнинг 23 августида Урганчда дунёга келди. У ўша кезларда саҳиби тож бўлмиш Араб Муҳаммадхон (1602-1623) нинг тўртинчи ўғли эди. Лекин унинг ҳаёти хонзодаларникидай тинч - тотувлик, осудалик, емак-ичмакдан мўл-кўл бўлиб келмади. Абулғози олти ёшида онасидан (Меҳрибону хоним, Шайбоний Ёдгорхон авлоди бўлмиш Жонғози Султоннинг қизи эди) етим қолди, 13 ёшида тожу тахт учун бошланган ўзаро курашлар гирдобига тушди. 1616 йили оғалари Ҳабаш Султон билан Элборс Султон нойман ва уйғур қабилаларининг бошлиқларига таяниб (оналари нойман қабиласига мансуб эди), отасига қарши исён кўтардилар. Ўшанда Араб

¹ Абулғози Баҳодирхон. Турклар шажараси. Нукус, 1994, 215 б.

Муҳаммадхон, одатда ота-бола орасидаги муомалани андиша қилиб, исёнкор ўғилларига Вазир шахрини ҳам қўшиб берди.¹

Орадан беш йил утар-ўтмас оралари яна бузилиб, низо урушга айланди. 1621 йилда Ташни ермиш қудуғи ёнида икки орада-бир тарафда Араб Муҳаммадхан тўнғич ўғли, Исфандиёр Султон ва Абулғози Султон билан, иккинчи томонда унинг бошқа ўғиллари Ҳабаш Султон билан Элборс Султон орасида уруш бўлди. Оқибатида Араб Маҳаммадхон, Исфандиёр Султон ва Абулғози Султонлар мағлубиятга учрадилар. Асир олинган хоннинг (Араб Маҳаммадхоннинг) кўзларига мил тортилди ва Хивага олиб келтирилиб қамаб қўйилди. Кўп ўтмай у шу ерда қатл этилди. Урушдан кейин Абулғозихон аввал Катга, сўнгра Бухорога, аштархонийлардан Имомқулихон (1611-1642) хузурига қочиб борди. Араб Маҳаммадхоннинг бошқа ўғиллари: Исфандиёр Султон, Шариф Муҳаммад Султон ва Хоразмшоҳ Султон Хозораспга бордилар ва унинг мустаҳкам қалъаси ичига кириб яшириндилар. Ҳабаш билан Элборс қирқ кунлик қамалдан кейин оғаси Исфандиёр, инилари Шариф Маҳаммад ва Хоразмшоҳ Султонлар билан ярашиб, Исфандиёрга Макка зиёратига кетишга ижозат берди, Шариф Муҳаммад Султонга Катни инъом қилди, Хоразмшоҳ Султон (у ўша пайтда ўн икки ешда эди) билан Авғон Султонни (ўн ёшда бўлган) Хивага жўнатди. Лекин Исфандиёрхон маккага бормади, у тўппа-тўғри Исфаҳонга, шох Аббос 1 (1587-1629) хузурига борди ва унинг ёрдами билан 1623 йили Хива тахтини эгаллади. Абулғозихон бундан хабар топиб, ўша йилиёқ Хоразмга қайтиб борди. Исфандиёрхон унга Урганчни инъом қилди.²

Лекин орадан тўрт йил ўтиб, 1627 йили хон билан оралари бузилиб Туркистонга, Эшимхон (1029 йили вафот этган) хузурига қочиб борди. Кўп ўтмай уни Турсунхон Тошкентга олиб кетди. У Тошкентда икки йил бўлиб яна Бухорога, Имомқулихон хузурига қўл қовуштириб борди. Лекин бу гал у

¹ Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Ўқитувчи. Т., 2001, 192-194 б.

² Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Ўқитувчи.Т., 1994, 218 б.

Бухорода кўпга қолмайди. Ўша йили хондан норози бўлган Хивалик туркманларнинг чақириғи билан яна Хоразмга қайтиб борди. Исфандиёрхон (у ўша вақтда Хазораспда туради) икки ой давом этган борди-келдидан кейин унга Хивани топширишга мажбур бўлди. Лекин тақдирга тан бермай, пайт пойлаб юрди. Орадан олти ой ўтгач, Исфандиёр уни ўша вақтларда Эрон подшоси тасарруфига тушиб қолган Нисо биллон Дарунга (Ашхабад билан Қизил арват ўртасида жойлашган манзилгоҳ) босқин қилишда айблаб ҳибсга олди ва Эронга, Шаҳ Сафъи 1 (1629-1642) ҳузурига омонат тарзида жўнатиб юборди.¹

Абулғози Эронда қарийб 10 йил (1630-1639) махсус назоратчилар қўл остида Исфохонга яқин жойлашган Таборак калъасида тирикчилик ўтказди.²

1639 йили ёз кунларининг бирида у тутқинликдан қочиб қутилишга муваффақ бўлди. Кўп тараддуд ва машаққатлар чекиб, икки ярим йил деганда, 1642 йили Орол ўзбеклари орасига келиб тушди. Ороллик ўзбеклар 1643 йили Абулғозини хон қилиб кўтардилар. Орадан бир йил ўтгач 1644 йили у кўпчилик рақибларини енгиб Хоразм тахтини эгаллашга муваффақ бўлди.³

Абулғозихон ҳаммаси бўлиб йигирма йил атрафида хонлик маснадида ўлтирди. Лекин бошқа ҳукмдорларга ўхшаб ҳузур-ҳаловат кўрмади. Умри кўпроқ уруш-талашларда ўтди: 1646-1653 йиллари у Тажан, Боми баурма (Қизил арватнинг жануби-шарқий тарафида жойлашган манзилгоҳ), Атрок ва Журжон туркманлари билан уруш олиб борди. 1655-1662 йиллари ўлкага вақт-вақти билан босқин қилиб турган ёйиқ (урал) лик ўрис қозоқлари, қалмоқлар ва қозоқ кўчманчилари билан кураш олиб борди, (1663-1664 йиллари бир неча марта Бухоро устига юриш қилди.⁴

1664 йили Абулғозихон оғир дардга чалиниб ётиб қолди, тожу тахтни эса ўғли Анушахон (1664-1674) га топширди. Орадан кўп вақт ўтмай, 1664

¹ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Ўқитувчи.Т., 1994, 218 б.

² Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Ўқитувчи. Т., 2001, 193 б.

³ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Ўқитувчи.Т., 1994, 219 б.

⁴ Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Ўқитувчи. Т., 2001, 193 б.

йилнинг апрель ойида у дунёдан ўтди. Абулғози ҳаммаси бўлиб 60 йилу етти ой умр кўрди.¹

Абулғозихондан икки тарихий асар қолди. Биттаси «Шажараи тарокима» (1658-1661 йиллар орасида ёзилган деб тахмин қилинади.) аталиб, туркий қабилаларнинг, хусусан туркман халқининг келиб чиқиши ҳақида қимматли маълумот беради. Асарда барча туркларнинг афсонавий подшоси Ўғўзхон ва унинг авлоди тарихи, шунингдек туркман уруғлари (солур, баёндур, така, ёкмут, тевачи хизр эли, сариқ Али Эли, езир, эрсори ва бошқалар) нинг келиб чиқиши қисқа тарзда баён этилган. «Шажарайи тарокима», Абулғозихоннинг ўз сўзларига қараганда туркман муллалари, шайхлари ва бекларининг илтимоси билан ёзилган.²

Ушбу асарнинг танқидий матни, русча таржимаси, катта илмий тадқиқот билан бирга, 1958 йили академик А.И.Кононов (1906-1986) тарафидан Санкт-Петербургда chop этилган. Абулғозихоннинг иккинчи асари «Шажарайи турк» номи билан машхур. Мазкур асарнинг асосий қисми 1663-1664 йилларда ёзилган. Унда Хоразмнинг XVI- XVII асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий тарихи баён этилади.

«Шажарайи турк» нинг ёзилиш сабаблари ҳақида муаллифнинг ўзи бундай дейди: «Аммо бизнинг ота-оналаримизнинг бепарволиқи ва Хоразм халқининг бевуқуфлиқи, бу икки сабабдин, бизнинг жамоатимизнинг Абдуллохоннинг (Шайбоний Абдуллахон 11, 1583-1598 йиллари Бухоро хони) оталари (Абулхайрхон; Шайбоний Ёдгорхон; XV-аср) айрилган еридин то бизга келгунча тарихларини битмай эрдилар.

Бу тарихни бир кишига таклиф қилади деб фикр қилдук, ҳеч муносиб киши топмодук, зарур бўлди (ва) ул сабабдин ўзимиз айтдук.

Асар қисқа муқаддима ва тўққиз бобдан иборат; 1). Одам Атодан то туркларнинг қадимги хонларидан Мўғулхонгача кечган ҳодисалар зикри; 2).

¹ Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Ўқитувчи. Т., 2001, 274 б.

² Маънавият юлдузлари. Тошкент. 1999, 275 б.

Мўғулхондан Чингизхонгача бўлган тарих; 3) Чингизхоннинг туғилганидан то вафотигача бўлган тарихи; 4) Чингизхоннинг учинчи ўғли Уғадай қоон ва авлоди; Шунингдек Чингизхоннинг бошқа ўғиллари Наслидин бўлган ва Муғилистонда подшолик қилганлар зикри; 5) Чингизхоннинг кенжа ўғли Тулийхон авлодидан Эронда подшолик қилганлар (улар тарихда элхонийлар деб аталади. 1256-1336 йиллари ҳукмронлик қилганлар зикри; 7) Чингизхоннинг улуғ ўғли Жучихон авлодидан Дашти қипчоқда подшоҳ бўлганлар зикри; 8) Жучихоннинг бешинчи ўғли Шайбон (XIII аср) авлодидан Мовароуннахр , Крим, қозоқ, ва Туронда хонлик қилганлар, шунингдек Жучихоннинг ўн учинчи ўғли Тўқай Темурхон наслидан крим, қозоқ ва Мовароуннахрда подшолик қилганлар зикри; 9). Шайбон авлодидон Хоразм мамлакатада подшолик қилганлар зикри.¹

Абулғозихон асарнинг 7,8 ва 9-бобининг бир қисмини (1644-йилгача келган воқеалар тарихини бўлдилар, ўғилларига) ёзиб улгурган холос.

1-6 боблар ва 9-бобнинг давоми (1644-1664 йил воқеалари) Анушахоннинг топшириғи билан Махмуд Ибн мулла Муҳаммад мана бу қайд этилган: «Маълум бўлсинким, Абулғозихонни Жаннатмакон бу китобни тасниф қилиб ярмига етканда хаста васият қилиб турурларким, бу китабни нотаом қўйманг, итмомиға саъий (ҳаракат) қилинг». Ул сабабдин Абулмузаффар ва-л Мансур Анушахон Ибн каминайи беиститоат Маҳмудий Ибн мулла Муҳаммад замон Урганжий бўлғайман, «бу китобни итмомиға еткур», деб ҳукм қилдилар. Алар Абулғозихондан аввал ёзилган бирмунча тарихий китоблар (умумий сони 18) га асосланган. Бундан ташқари, асарнинг оригинал қисмини (8,9-боблари) ёзишда муаллиф ўзи билган ва сўраб-суриштириб тўплаган маълумотларидан ҳам кенг фойдаланган. «Шажарайи турк» тарихнинг турли масалаларига (ижтимоий - сиёсий, иқтисодий, этник ва ҳ.к) оид эътиборга молик, маълумотларга бой асардир.²

¹ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Ўқитувчи.Т., 1994, 220 б.

² Абўлғози Баҳодирхон. Турклар шажараси. Нукус, 1994, 216 б.

Мунис Хоразмий (1778-1829).

Амир Авозбий ўғли Шермуҳаммад адабий таҳаллуси Мунис Хоразмий XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг бошларида Хоразмда яшаб ижод этган шоир, тарихнавис олим, таржимон, хоттот ва маърифат-парвардир.¹

Мунис ўзбек адабиёти, умуман маданияти тарихида салмоқли ўринни эгаллайди. У муаррих сифатида ўзининг «Фирдавс ул-икбол» тарихий асарини ёзди, шоир сифатида девон тузди. Таржимон сифатида тарихий асарларни ўзбек тилига таржима қилди, педагог сифатида «саводи таълим» номли рисола ёзди.

Муниснинг ҳаёти ва ижодини ўрганар эканмиз, аввало унинг адабий ва тарихий асарларига мурожаат қиламиз. У ўзининг «Мунис ул-ушшоқ» девонига ёзилган сўзбошида ва «Фирдавс-ул-икбол» номли тарихий асарида таржимон ҳолига оид анчагина маълумотлар келтирган.

Мунис 1778 йили Хивада туғилди. «У Хивадаги қиёт қишлоқлик Авазбий Миробнинг ўғлидир».² Ўнинг ота-боболари хонлар саройида мироблик ишларини бошқариб келганлар. У ёшлик чоғларидан бошлаб илм олишга қизиқиб, тарих ва адабиётга меҳр қўйди. Дастлабки маълумотни Қиёт қишлоғида олиб кейинчалик Хива мадрасаларида ўқиди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Шарқ кўлёзма асарлар фондида Мунис девонларининг бир неча кўлёзма нусхалари сақланмоқда. Улардан 1330-рақамли кўлёзма Мунис 27 ёшга кирган вақтда 1804-1805 йили шоир таржимаи ҳолидон кўчирилган. Девон охирида қуйидаги тўртлик келтирилган.³

¹ Маънавият юлдузлари. Тошкент. 1999, 311 б.

² Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Ўқитувчи.Т., 1994, 195 б.

³ Маънавият юлдузлари. Тошкент. 1999, 312 б.

Шоирнинг бу девонидан унинг ғазаллари, мухаммаслари, мусаддаслари, рубоийлари ва бошқалар ўрин олган. Девоннинг охирида муаллифнинг «Саводи таълим» номли илмий асари ҳам бор бўлиб, унда хаттотлик қоидалари баён этилган. Шоир шеъриятида гўзаллик ва муҳаббатни куйлаган бўлса-да, ўнинг ғазалларида ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ҳам ўзифодасини топган. Замонасининг илғор фикрли кишиси сифатида у ўзи яшаётган ҳаётда фаол иштирок этди. Мунис тарихнавис Олим сифатида Хоразм тарихига оид қимматли «Фирдавс-ул-иқбол» номли муҳим тарихий асарини ижод этди. Олим ўз асарини шарқ тарихчиларининг анъанасига мувофиқ ҳамд ва наът бўлимлар билан бошлаган. Сўнгра ўз ҳаёти ва асарининг ёзилиши ҳақида қисқача маълумот бериб, Хоразм тарихини ёзган.

Асар муқаддима, беш бўлим ва хотимадан иборат. I бобда Одам Атодан то Нух пайғамбар авлодигача бўлган ҳодисалар баён этилган. II бобда Ефасдан Қўнғирот шўъбасигача бўлган Мўғул ҳукмдорлари даври хусусида фикр юритилган. III бобда Кўрлос авлодига мансуб подшоҳлар даврида содир бўлган воқеалар тўғрисида ёзилган. IV бобда Элтўзархоннинг ота-боболари ҳаёти тасвирланган. V бобда Элтўзархоннинг туғилишида бу асарнинг ёзилиб тамом бўлишга қадар содир бўлган воқеалар хусусида қалам тебратилган. Хотима эса олимлар, авлиёлар амирлар, беклар, шоирлар, хунармандлар ҳақида маълумотларни ўз ичига олади.

Мунис «Фирдавс ул-иқбол» номли асарини ёзиб тамомлай олмаган. У қадим замонлардан бошлаб Муҳаммад Раҳимхон I ҳукмронлигининг еттинчи йилигача (1813) бўлган воқеаларни ёзишга улгурган.

Унинг бу чала қолган асарини шогирди Огаҳий давом эттирган. Огаҳий бу асарни қандай қилиб давом эттирганлигини қуйидагича баён этади. Элтўзархон хонлик қилган даврда Мунисни чақириб, Хоразм тарихини ёзишни буюради. Мунис ўз асарини Шерғозихон давригача ёзиб етказганда

Элтўзархон вафот этади. Ундан сўнг давлат тепасига унинг биродари Муҳаммад Раҳимхон I келади.¹

Муҳаммад Раҳимхон I Мунисга ўз асарини давом эттиришни буюради. Мунис асарни давом эттираркан, Муҳаммад Раҳимхон I ҳукмронлигининг еттинчи йилида содир бўлган воқеаларни ёзиб тамомлаганда, хон 1819 йили Мунисга Мирхонднинг Машхур «Равзат ус-сафо» номли тарихий асарини ўзбек тилига таржима қилишни буюради. Мунис бу асарнинг биринчи жилдини ўзбек тилига таржима қилиб, иккинчисини давом этираётганида Муҳаммад Раҳимхон I вафот этади. Ўнинг ўрнига ўғли Оллоқулихон келади. Бу ҳам Мунисга таржимани давом эттиришни буюради. Бироқ Мунис иккинчи китобни охирига етказа олмай, 1829 йили вафот этади. Оллоқулихон тахтга ўтиргандан кейин 1839- 1840 йили Муниснинг шогирди ва унинг тарбиясини олган Огаҳийни чақириб, 1813 йили воқеаларини баён этиш билан узилиб қолган «Фирдавс ул- иқбол» асарини давом эттиришни буюради. Огаҳий 1813 йилдан бошлаб Хоразмда содир бўлган воқеаларни ёза бошлайди.

Тарихнавис олим Муниснинг «Фирдавс-ул-иқбол» номли асари узоқ даврни қамраб олган Марказий Осиё айниқса Хива хонлиги тарихини ўрганишда бой қимматли тарихий асардир. Асарда Хоразмнинг қадимий даври билан бир қаторда, Хива хонлигининг 1825 йилигача бўлган сиёсий тарихи муфассал баён этилган, тож-тахт, бойлик учун олиб борилган курашлар ва шунингдек, Хива хонлигининг туркман ва қорақалпоқ халқлари билан бўлган муносабатлари ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар келтирилган.²

Асарда Хива хонлигининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини ўрганиш бўйича ҳам анчагина маълумотлар бор. Хива хонлигининг Бухоро, Қўқон хонликлари, Русия билан олиб борган дипломатик ва савдо-сотик муносабатлари, хонликдаги суғориш, солиқ, қурилиш ишлари ўша даврда яшаган олимлар, шоирлар ҳаёти, ижоди қаламга олинган.

¹ Маънавият юлдузлари. Тошкент. 1999, 313 б.

² Шу асар 314 б.

Шундай қилиб, Шермуҳаммад Мунис Хоразмий ўз даврининг талантли шоири, атоқли тарихнавис олими, давлат арбоби ва моҳир таржимони бўлган. Унинг асарлари ўзбек халқи маданияти тарихини ўрганишда ажойиб манба бўлиб хизмат қилади.

Огаҳий (1809-1874).

Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий XIX аср Хоразм адабий мухитининг йирик сиймоларидан бири бўлиб, Навоийдан кейин энг «кўп ва хўб» шеър айтган шоирлардандир.

Огаҳий 1809 йил 17 декабрда Хива атрофидаги Қиёт қишлоғида (ҳозирги Огаҳий номли жамоа хўжалиги) дунёга келган. Отаси Эрнийезбек вафот этгач, ёш қолган Огаҳийни тоғаси Мунис ўз тарбиясига олди. Мунис атрофида тўплаган ижодкорлар бўлғуси шоир Огаҳий ижодига катта таъсир қилди. Огаҳий дастлабки билимни Мунис Хоразмийдан олди, кейинчалик Хива мадрасаларида таҳсил кўрди. 1829 йил Мунис вафот қилгандан кейин Оллоқулихон унинг ўрнига Огаҳийни бош мироблик вазифасига тайинлайди. Шоир хизмат юзасидан Хоразм воҳасининг кўп жойларида бўлиб, деҳқонларни, ҳунармандларни аянчли ҳаётини ўз кўзи билан кўрди. Бу Огаҳий ижодига таъсир этмай қолмади. Огаҳийдан бой ижодий мерос қолди. У мадрасада ўқиб юрган пайтлариёқ «Баезий мутафарриқон Форсий» номли баён тузди. Бу баёнга Жомий, Навоий, Ҳофиз, Шерозий, Бедил, Физулий ғазалларини киритиш билан бир қаторда уларга эргашиб ёзган ўзининг ўн беш ғазали ва икки мухаммасини қўшди.

Огаҳий устози Мунис бошлаб қўйган, аммо, томонлай олмаган тарихий «Фирдавс ул-иқбол» асарини ёзиб тугатди.

Бундан ташқари Хива хонлиги тарихига оид «Риёз уд-давла», «Жомъе ул-воқеоти султоний», «Зубдат ут-таворих», «Гулшани давлат», «Шаҳиди иқбол» номли тарихий асарлар ёзди. Огаҳий жаҳон маданиятини нодир дурдоналари ҳисобланган Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», Низомийнинг

«Хафт пайкар», Ҳилолийнинг «Шоҳ ва гадо», Кайковуснинг «Қобуснома», Қошифийнинг «Ахлоқи муҳсиний», Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» каби бадиий, тарихий ахлоҳий, фалсафий, дидактик асарларини ўзбек тилига таржима қилди.¹

Огаҳий 1872 йилда пароканда бўлган бадиий меросини жамлаб «Таъвиз ул-ошиқин» («Ошиқлар тумори») номли девон тузиб қолдирди. Маданиятимизнинг дурдонаси бўлган бу девон ўзбек мумтоз шеърятининг 22 жанрини ўз ичига қамраб олган.

Огаҳий ижодида XIX аср Хива хонлигидаги ижтимоий ҳаёт ўз ифодасини топган. Бу даврга келиб, Туркистон, Русия томонидан босиб олинганди, халқ икки ёқдан зулм остида қолганди. Огаҳий бундан қаттиқ қайғуларди, халқ хур, озод яшашини орзу қиларди.²

Огаҳий дунёга, инсонга туганмас муҳаббат, ҳаётга чексиз меҳр билан қарайди, ижтимоий жараёнларга қаттиқ қизиқади. Шоир инсонни ҳаёт гўзалликларини, муҳаббат шавқ-завқини тўлиб-тошиб тараннум этади. Мутафаккир ўз асарларига ижтимоий фикрларни маҳорат билан сингдириб юборади.

Огаҳийнинг юксак инсонпарварлик руҳи билан суғорилган ғоялари хон ва шоир Ферузнинг сиёсий-маърифий тарбиясига таъсир қилади. У тарихчи олим сифатида Хива хонларига, йирик тарихий шахсларга бағишлаб қасидалар ёзган. Шоирнинг «Қасидон насихат» деган қасидаси бунга яққон мисол бўлади. Асар Ферузга бағишланган. Огаҳий ўз насихатларида салтанатни бошқаришнинг йўл-йўриқларини кўрсатади, мамлакат ва халқни адолат билан идора этиш йўллариини белгилаб беради.

Бу қасида маснавий жанрида ёзилган бўлиб, шоирнинг сиёсий-маърифий қарашларини ёрқин ифода қилади. Шоирнинг фикрича, ҳар қандай давлат бошлиғи ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун барча ижобий фазилатларга эга

¹ Маънавият юлдузлари. Тошкент. 1999, 315 б.

² Шу асар 315 б.

бўлиши лозим. Подшоҳ ҳимматли, ижозатли, адалатли, ғайратли, саҳоватли, ҳаёли, соф ниятли, маданиятли, ҳамиятли бўлса ҳокимияти камол топади. Мамлакат фаровон бўлади, деган фикрни илгари сўради.

Огаҳий давлатни бошқаришнинг йўллари ҳақида ҳам кўрсатиб ўтган. Шоирнинг фикрича, шоҳ шариат аҳкомларига қаттиқ амал қилмоғи даркор. Айш-ишратдан, фитна ва ғийбатдан, ғафлатдан, ялқовликдан, зулм-разолатдан, чақимчиликдан, молпарастликдан узоқ бўлиши керак.¹

Хива хони Феруз Огаҳийнинг давлатни бошқариш тўғрисидаги маслаҳатларига қулоқ тутган, унинг ҳикматли байтларини мармар тошларга ёздириб арзхоналарига қўйдирган, кўп эзгу ишларни амалга оширган.

Бу даврда Хоразм халқи маҳалий бойлар ва рус босқинчилари зулми остида қолганди. Лекин, шунга қарамай хонликда маданий - маърифий ишлар ривож топди. Бунда Огаҳийнинг маърифий ҳиссаси катта бўлди. Огаҳийнинг Ферузга берган сиёсий сабоқлари бугун ҳам ўз қийматини йўқотган эмас.

Мутафаккир шоир жамиятнинг инсонпарварлик имкониятларини оширишнинг барча йўлларида фойдаланишга ҳаракат қилди, ҳукмдорларни адолатга, раҳм-шавқатга даъват этди. Огаҳий Сайид Муҳаммадхон илтимосига биноан 1857 йилда қасида ёзди.

Қасида кўхна Арқда хоннинг арзхонасидаги мармар устунга ўйиб ёзилди. Шоир ўз қасидасида инсонпарварлик ғояларини олға сурди, адолатпарвар, маърифатпарвар давлат раҳбарларини орзу қилди ва хонни шунга даъват этди.

Огаҳий Хива хонлигининг 1813 йилидан 1873 йилигача бўлган тарихни изчиллик билан бой манбалар асосида ёзиб қолдирган. Огаҳийнинг тарихий асарларига академик В.В.Бартольд юқори баҳо берган: «Мунис ва Огаҳий томонидан яратилган адабий ва тарихий асарлар...воқеаларни баён этиш ва уларда келтирилган далилий манбаларнинг кўплиги жиҳатдан бизгача етиб

¹ Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Ўқитувчи. Т., 2001, 197 б.

келган Қўқон ва Бухоро хонликлари тарихи бўйича бўлган ҳамма асарларни ўзидан анча орқада қолдиради.

Огаҳийнинг тарихий асарлари далилий манбаларнинг бойлиги ва ишончли бўлиши билан ажралиб туради. Огаҳийнинг тарихий асарлари қўшни қардош халқларнинг тарихини ўрганишда биринчи манба ҳисобланади.

Унинг таржима асарлари Хоразм ижодкорларини араб, фарс- тожик адабиётининг ноёб дурдоналари билан таништирди, халқнинг маънавий савиясини бир поғона баландга кўтарди, ўзбек адабиёти хозинасини янги асарлар билан бойитди, халқлар ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлади.¹

Баёний (1859- 1923).

Муҳаммад Юсуф адабий - таҳаллуси Баёний XIX аср II ярми ва XX аср бошларида Хоразмда яшаб ижод этган замонасининг забардаст тарихнавис олими, ажойиб шоири ва моҳир торжимони бўлган.

Баёний тарихнафис олим сифатида «Шажарайи Хоразмшоҳий» асарини ёзди ва кўпгина асарларни арабча ва форсчадан ўзбек тилига таржима қилди, шоир сифатида эса мукаммал девон тузди.²

У Хивада хонлик қилган Элтўзархон (1804-1806) авлодидандир. Унинг отаси Бобожонбек Оллоберди Тўранинг ўғли бўлиб, Элтўзархоннинг нобираси эди.

Баёний 1859 йилда Хивада дунёга келади ва ёшлиқдан бошлаб илм, адабиётга, шеъриятга қизиқади. Баёний ўз замонасининг атоқли хаттотларидан ва мусиқашуносларидан бири ҳам бўлган. У сулс, куфий, райҳоний шикаста ва бошқа хил хатларни яхши билган ва ўз замонасининг талантли шоир ва тарихнавис олими бўлиб етишган.

¹ Маънавият юлдузлари. Тошкент. 1999, 316 б.

² Шу асар 352 б.

Баёний ўзидан бой ёзма мерос қолдирди. Баёнийнинг мазмундор ва ажойиб ғазалларини ўз ичига олган девонининг бир неча нусхаси қўлёзма ҳолида сақланмоқда. Бу девонлардан унинг ғазаллари, мухаммаслари, рубоийлари, қасидалари ўрин олган.¹

Баёнийнинг шеърӣ асарлари XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошларида ўзбек адабиётини ва шунингдек шоирнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир. Шоир шеърӣятада асосий ўринни лирика эгаллайди. У замонасининг илғор фикрли кишиси сифатида қайноқ ҳаёт ичида яшади ва унинг ижодида ўша даврдаги ижтимоий ҳаёт ўз ифодасини топди.²

Муаррихнинг «Шажарайи Хоразмшоҳӣ» рисоласида Абдулғозихон Мунис ва Огаҳӣ қаламига олган давр Хива хонлигида 1873 йилдан 1914 йилгача содир бўлган тарихий вақеалар тасвирланган. Мазкур рисола юқарида номлари зикр этилган муаллифлар асарларининг хулосаси ва давоми ҳисобланади. Мунис ва Огаҳӣнинг асарлари ҳашамдор, қийин тил билан ёзилган. Улардаги арабча ва форсча сўзлар ва оғир ибораларни соддалаштириш мақсадида Мунис ва Огаҳӣ асарларини бир жилдга тўплаб, қисқартириб, содда тил билан қайта ёзиб чиққан. Бу тўғрида муаллиф асар сўзбошисида бундай деб езади: «Мен Муҳаммад Юсуф ал- мутахаллис бил - Баёний ибни Бобожонбек, бу тариқа арз қиламан. 1329/ 1911 йил Жумод ул- аввал ойининг йигирма иккисида бу асарни ёзишга бошладим. Бу ишни Асфандиёрхон менга Толибхўжа ибни Авазберди орқали буюрди».

Муаллиф ўз асарининг охирида куйидаги маълумотларни келтиради: «Мен, Муҳаммад Юсуф Баёний бу китобни («Шажарайи Хоразмшоҳӣ») ёзиб тамом этдим. Кейинчалик Асфандиёрхон вақтида содир бўлган тарихий вақеаларни ёзиб, бу китобимга қўшаман».³

¹ Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Ўқитувчи. Т., 2001, 197 б.

² Шу асар 198 б.

³ Маънавият юлдузлари. Тошкент. 1999, 355 б.

Хоразмда тасниф этилган Баёнийнинг мазкур тарихий асари, Хоразм, айниқса Хива хонлиги тарихини ўрганишда аниқ маълумот берувчи асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Баёнийнинг бу тарихий асарида Хива хонлигининг сиёсий ҳаётида рўй берган катта вақеалардан бири Хива хонлигини чор Россияси томонидан босиб олиниши эди. Бу воқеа Хоразмда Муҳаммад Раҳимхон 11 ҳукмронлиги даврида содир бўлган.

Муҳаммад Юсуф Баёний ўзининг «Шажарайи Хоразмшоҳий» асарида бу масалага жуда муфассал тўхтаб ўтган ва бу борада қимматли маълумотларни келтирган.

Айниқса шаҳарларни мудофаа қилишда олиб борилган ишлар, кўрсатилган қоршиликларга қарамой, Хива хонлигига қарашли шаҳарларнинг чор Россияси қўшини томонидан бирин-кетин босиб олиниши ва чор генералларининг бу ерда олиб борган шафқатсиз сиёсати, чоризм аскарлари томонидан аҳолининг, аёллар ва болаларнинг бегуноҳ қирғин қилиниши, обод жойларнинг ҳаробага айлантирилиши ҳаққоний тасвирлаб берилган. Хонликнинг иқтисодий ҳаётида ер эгалиги ва солиқ масаласи асосий масалалардан эди. Бу масалалар бўйича ҳам мазкур асарда анча маълумотлар келтирилган.¹

Шунингдек, хонликда олиб борилган қурилиш ишлари ва турли мансаблар, уларга кимларнинг тайин этилганлиги ва бошқа қатор масалалар бўйича ҳам яхши маълумотлар берилган.

Хива хонлигида Муҳаммад Раҳимхон II даврида меъморлик бўйича ҳам анча ишлар амалга оширилган. Мадрасалар масжидлар, миноралар, боғлар, кўприклар қурилган. Асарда бу биноларнинг қочон қурилганлиги ҳам кўрсатиб ўтилган. «Шажарайи Хоразмшоҳий» да Баёний томонидан келтирилган бир икки мисолни олиб кўрайлик.

¹ Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Ўқитувчи. Т., 2001, 198 б.

Баёнийнинг ёзишича, «маълум бўлсинким, хон хозратлари (Муҳаммад Раҳимхон II) бағоят мушфиқи фуқаро ва бағоят ҳайр дўст киши эрдилар. Кўп мадрасалар ва масжидлар бино қилдилар. Кўп мадрасаларнинг биноларига сабаб бўлдилар. Андоғким, Муҳаммад Мурод девонбеги бир мадраса бино қилди Юсуф маҳрамга буюриб бир мадраса бино қилдилар».

«Хусайн Муҳаммадбой бир мадраса бино қилди. Дўст Аълом бир мадраса бино қилди. Қозий - ул - қўззат - кози Муҳаммад алим бир мадраса бино қилди. Ислоххожа бир минорали мадраса бино қилди. Бу биноларнинг ҳаммаси ул-ҳазратнинг (Муҳаммад Раҳимхон II) тарғиботлари била бўлди. Яна Нуриллабек отлиғ ховлиларининг атрофида кўп беватанларни ватанлик этдилар. Яна тоза боғ атрофида ҳам кўп беватанларни ватанли этдилар. Тўрт Олий масжид бино қилдириб, Тоза боғда ватан тутган беватанлар, тўрт масжид қавми бўлдилар. Яна янги қалъада, Нуриллабек ҳовли ва боғларнинг шарқи шимоли тарафида кўп беватанларни ватанли этдилар. Бир олий масжид бино қилдириб, у ерни Султонобод исми бирла мавсум этдилар». «Кўп ерларни обод этдилар. Кўп масжидлар мадрасалар ва қорихоналар бино бўлиб кўп ерлар обод бўлди».¹

Баёнийнинг мазкур тарихий асарида шу даврда Хива хонлигидаги адабий муҳит, шоирлар ва олимлар, Муҳаммад Раҳимхон II Ферузнинг ажойиб шоир ва маърифатли ҳукмдор бўлганлиги ҳақида ҳам анчагина маълумотлар келтирилган. 1326 /1908 йили Аҳмаджон Табибий томонидан шу даврда яшаган шоирларнинг тазкираси тузилди. Бу ҳақда Баёний қуйидаги маълумотни келтиради. «Хон ҳазратлари шеърга кўп завқ пайдо қилиб эрдилар». Юқоридаги фикримизнинг тасдиқи сифатида Баёний томонидан келтирилган ижтимоий - иқтисодий ва маданий ҳаётга оид бир-икки мисолни қайд этиб ўтдик.

¹ Маънавият юлдузлари. Тошкент. 1999, 355-356 б.

II боб. XIX асрдаги хива хроникаларида қорақалпоқларнинг маъмурий тузилиши тўғрисидаги маълумотлар.

Маълумки, Хива хонлигида айрим уруғлар - орол ўзбеклари, туркман, қорақалпоқ, қозоқ уруғлари кўчманчи (кўчман) хўжалиklarининг ўтроқликка кўчиш жараёни XIX асрда ҳам давом этиб келди.

Бундай уруғлар ўтроқликка хонлик томонидан мажбурий суратда кўчирилаётган вақтда уларга муайян, доимий майдон ажратиб берар эди.

У ерлар эса уруғ бошлиқларига беркитиб қўйилган эди. Ҳали тўла ўтроқликка кўчмаган уруғлар, айниқса, орол Қўнғирот ва қорақалпоқлар ўзларининг иқтисодий қолоқликлари сабабли марказлашган ҳокимиятга қарши эди. «Шунинг учун Муҳаммад Раҳимхон ва ўнинг авлодлари уларни қаттиқ қуллик билан ярим очликда қолдириб, бошқариб келди».

Муҳаммад Раҳимхон ўзининг маъмурий ислохотларини илгариги кўчманчи ўзбеклар орасида уруғчиликка хос бўлган идора усулларини ва жойларда аҳолини масжидларга, масжидларни эса туман ва вилоятларга бириктириб қўйди.¹

Бундай идора усули Хоразмдаги ўтроқ ўзбеклар орасида кўп вақтлардан бери давом қилиб келар эди. Бироқ орол қўнғиротларида маъмурий ислохот ўтказмади ва уруғчилик тартибидаги идора усули сақланиб қолди.²

Қорақалпоқлар яшаган территорияларида ҳам худди шу тартиб юргизилди. Қорақалпоқлар ўзбек ҳокимларидан сунг оталиқларга ва ўз бийларига итоат этган.

Муҳаммад Раҳимхон даврида қорақалпоқларни идора этган оталиқлар ўзбеклардан ҳам тайинланган. Хон 1810 йиллари Бегим оталиқнинг уғли Боймурзо ва Бекмурза оталиқнинг уғли Дустмуҳаммадга оталиқлик ёрлиғини бериб, уларга Қўнғирот қорақалпоқи ва манғит қабиласининг бир қисмини

¹ Жалилов О. XIX-XX аср бошларидаги қорақалпоқ тарихидан Фан. Т., 1985, 105 б.

² Йўлдошев М.Ю. Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. Т., 1959, 93 б.

идора этишни топширган. Қорақалпоқларнинг бир бийи XIX - асрнинг бошларида жуда катта, ҳатто 500 дан кўп хўжаликни бошқарган эди.¹

Лекин, XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошларида энг кекса обрўли бийлар 100-250 хўжаликни бошқарадиган бўлиб қолди.²

Чунки, ўша даврга келганда, Хива хонлари қорақалпоқларни доимий итоатда тутиш, бошқаришда қийналмаслик учун бийлар сонини кўпайтириб қорақалпоқлар орасида оталиқ, Бекларбеги каби амалларни жорий этган. У амалларга ўша халқ уруғларидан ўзига содиқ бўлган, хонликка кўп хизмат кўрсатган бий ва боҳодирлардан махсус ёрлиқлар билан тайинлаган. Бийлар оталиққа, оталиқлар эса бекларбегига, бекларбегилар ҳокимларга буйсунар эди. XIX асрнинг II ярмида қорақалпоқларга Ҳакимниёз оталиқ (1856-1859), Оллоберган маҳрам (1859-1863), Маҳмуд Ясавулбоши (1863 йилдан сунг) ҳокимлик қилган. Ўша даврда Қўнғирот қорақалпоқи терстамғали қабиласига мансуб Қобил бекларбегига икки оталиқ (Уроз, Ариз) ва бир ноиб (Бекмуҳаммад), ўн тўрт уруғ қорақалпоқи манғит қабиласига мансуб Соҳибназар сўнгроқ Худойназар бекларбеги (8,106) қўл остида тўрт оталиқ (Одил, Адил, Давлатназар, Эрназар) бўлган Ўроз оталиқ қолдаули қабиласининг бийлари, Ариз оталиқ қуштамғали қабиласининг бий оқсоқолларини бошқарган.³

Кейинги даврда бий ва бийликлар сонининг кўпайиб боришининг яна бир сабаби Сайид Муҳаммад Раҳимхон ва Асфандиёр хон давридаги сиёсий-иқтисодий ўзгаришлар натижасида патриархал уруғчилик қолдиқларининг емирила бориши, уруғлар майда шаҳобчаларга бўлиниб ўз уруғдошларидан, ажралиб тарқалишга бошлаганидир. Улар архив ҳужжатларида ёки палончи бий-кадхудога қараганлар ёки палончи кўрангли ё бўлмаса палончи авулли деб берилган. Ана шулар қорақалпоқлар яшаган территориядаги энг кичик

¹ Жалилов О. XIX-XX аср бошларидаги қорақалпоқ тарихидан Фан. Т., 1985, 105 б.

² Камалов С.К. Қарақалпаки в XVIII-XIX веках. Ташкент, 1968, 132 б.

³ Жалилов О. XIX-XX аср бошларидаги қорақалпоқлар тарихига оид муҳим ҳужжатлар. Тошкент 1977, 82 б.

маъмурий бирлик ҳисобланган. Агар ўзбеклар яшаган жойлар асосан Амударёнинг чап томонидаги аҳолини идора этишда масжидларни асос қилган бўлса қорақалпоқ (ҳатто орол ўзбекларини) ларни идора этишда бийликлар, авуллар, кўрангларга асосланган. Бекларбеги, оталиқ, бий, кадхударлар қорақалпоқларни идора этишда энг муҳим таянчли куч ҳисобланган, Бекларбеги мансабини биз Хоразм тарихчилари асарларидан ташқари архив ҳужжатларида кўпроқ учратамиз. Жумладан ўзбеклардан Боғибек бекларбеги, Жамшидийлардан Абдулло бекларбеги, така туркманларидан Хўжамбердибек бекларбеги, Қулкелди бекларбеги, қозоқлардан Умар тўра, Жумаш, Мусулмон, Азизберган, Холмуҳаммад, Кўпюрсун, Шукур Муҳаммад, Шаҳарбой, Жонмуҳаммад каби бекларбегилари¹ қорақалпоқлардан Қўнғирот қорақалпоқлардан Қобил, Юсуф бекларбеги, ўн тўрт уруғ қорақалпоқлардан Соҳибназар, Худайназар, Қутлуғ Мурод бекларбегиларни ҳужжатларда учратдик.

Бекларбеги амали ҳақида И.Й. Йўлдошев «Бекларбеги қорақалпоқ ва бошқа кўчманчи халқларнинг оқсоқолларига бериладиган Фахрий унвон. Бекларбегининг возифаси уларнинг ўз уруғларидан йиғиладиган солиқларнинг тўғрилигини текшириб туриш ва уларни тўла равишда хазинага топшириш устидан нозорат қилишдир. Бекларбеги лавозимига одатда хоннинг қориндош уруғларидан тайинланар эди. Раҳманбердининг ўғли Боғибек шу хилда тайинланган.²

1873 йили қорақалпоқларни иккита бекларбеги бирлаштириб турарди. Улардан бири Қўнғирот уруғига, иккинчиси Манғитларга бошлиқ эди. Қорақалпоқларнинг барча бий ва оталиқлари шуларга итоат қилган. «Бекларбеги қушин саркардаси бўлиб, унинг юзбошилари бўлар эди» деб езади.³

¹ Жалилов О. XIX-XX аср бошларидаги қорақалпоқ тарихидан Фан. Т., 1985, 107 б.

² Йўлдошев М.Ю. Хива хонлигида феодал ер эғалиги ва давлат тузилиши. Т., 1959, 108 б.

³ Камалов С.К. Қарақалпаки в XVIII-XIX веках. Ташкент, 1968, 128 б.

Биз 1873 йили қорақалпоқ қўнғироти терстамғали қабиласидан Қобил бекларбеги ўн тўрт уруғ қорақолпоғи манғит уруғига мансуб Худайназар бекларбеги қорақалпоқларни идора этгани, ундан олдин Соҳибназар бекларбеги ва XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Хоразм хонлигига бўйсунган қорақалпоқларни Юсуф ва Қутлуғ Мурод бекларбеги идора этганини аниқланди.

Бу нарса қорақалпоқларни XX асрнинг 20 йилларига қадар иккита бекларбеги идора этиб келгани, XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида эса қорақалпоқлар тўрт бўлимга бўлингани, уларнинг ҳар бирини бир бекларбеги бошқарган эди деган фикрнинг асоссизлигини кўрсатмоқда.¹

Бийлар осойишталик даврида ўзига тегишли хўжаликларни идора қилган Хон ва Кушбеги, меҳтар фармонига мувофиқ у хўжаликлардан солиқ закот йиғиб олиб топширган. Хонликка белгиланган миқдорда навкар ва қазувчи етказиб бериш вазифасини бажарган. Ҳатто, қул остидаги навкарларга бош бўлиб, урушда катнашган. Бийлардан кейинги уруғ оқсоқоли кадхудо ҳисобланган. Улар уруғнинг бир шахобчаси (тери) ни бошқарган. Бекларбеги, оталиқ бий каби қорақалпоқ амалдорлари хон томонидан тайинланар ва у ҳақда махсус ёрлиқ берилар эди. Бундай тайинлаб қўйиш Муҳаммад Раҳимхон давридан бошланган. Биринчи марта бийлик ёрлиғи Айдосга берилган. Амалда бийлик отадан болага мерос бўлиб қоларди. Лекин унга бошқа бийлар розилиги ва хоннинг тасдиғи керак бўлган. Хива давлат архивида қорақалпоқларга берилган ёрлиқлар ҳам мавжуд. Мисол тариқасида 1853 йил ноябрида Муҳаммад Аминхон (1845-1855) томонидан берилган бир ёрлиқ билан таништирамиз: «Абулмузаффар Валмансур Абулғози Муҳаммад Амин Боҳодирхон сўзимиз».

Муроҳими Шохони ва отифати хисравхонамиздан Сарбаланд ва аржуманд қилиб ихлос ва эътиқоди зоҳир Барақ Боҳодирнинг муборизат ва

¹ Жалилов О. XIX-XX аср бошларидаги қорақалпоқ тарихидан Фан. Т., 1985, 107 б.

Жалодати Фури замир меҳри танвиримизга равшан ва Хувайдо бўлгани учун Қорақалпоқия улусидан Хитой бекшайх терасига оғаси Матан бий ўрнига бий қилиб Нишон Олийшон Суюрғол қилдук. То ҳар турлук хизматиким, даргоҳи олампаҳоимиз, мулозимларидан содир бўлса, бирраъси вал ойни қабул қилиб буюрилгон хизматини биткарсун. Энди бу ёрлик ҳумоюни олий мазмунига мутағлиғ ва оғаҳ бўлгач мазкура тераҳ мушорун илоҳни ўзлариға бий билиб, ненаъв хизматиким, дар бори шавкатдоримиз саркорлари буюрсалар ул хизмат адоси саранжом бобида онга тобъе бўлиб биткарсунлар.¹ Ва давлати аълумиз салоҳи булла олғудек маслаҳат ва кенгаши доирасидан ташқари қадам қўймай отлонув ва тушув ва берув ва олув ва черик ва чаман бобида қадим бийлари дастуринча онинг райи иқтизосидан тажовуз этмай маърака ва мажлисда иззат ва эҳтиромни ериға келтуриб ёрлик олий ва мазмунига хилоф килмоқни сиёсат подшоҳий мажиби билсунлар. Ва мазкур бий доғи элга бе важи шаръий озор берса, ундоғи сиёсат подшоҳига Сар ўзур бўлғусидир, деб тарих ҳижри минг доғи икки юз етилишда эрдиким Хоразм орамбозим дорилсалтанатида рабби ас-соний ойининг ўн еттинчиси душанба куни мувофиқ сиғир йили 1270 бу ёрлиғи олий марҳум бўлди», - деб ёзилган.² Ёрликнинг ўнг томони бурчагида Муҳаммад Аминхонни муҳри босилган.

Демак, хонликка кўп хизмат кўрсатган, унга содиқ бўлган қорақалпоқлар орасида кўзга кўринган кишилар бийлар авлоди қабиларга амал берилгани ҳақида ёрлик берилар, ёрликда ўнинг солиқ, феодал мажуриятлардан озод этилгани кўрсатилар эди. Шундай ҳоллар ҳам бўлганки, қорақалпоқ бийларидан бир нечалари биргаликда хон номига вафот этган бекларбеги, оталиқ ёки бий ўрнига ўғлини бий қилиб тайинласангиз деб илтимос қилиб мактублар ёзганлар. Шундай бир мактубда «Манғит Давлатназар бийдин шавкат ва саховат кўрганмиз. У ўлиб 4-5 фарзанд қолди. Улуғи Эрназар ўрниға бий бўлди, ўлди, ўрниға Соҳибназар бий бўлди, сўнг

¹ Йўлдошев М.Ю. Материалы по истории каракалпаков// Общественные науки в Узбекистана 1965 №1, 64-65 б.

² Жалилов О. XIX-XX аср бошларидаги қорақалпоқ тарихидан Фан. Т., 1985, 108 б.

бекларбеги мартабаси берилди, ўлди. Ўрнига иниси Сайид бекни тайин этсаниз», - деб ёзади.¹ Хатда Давлатёр, Усмон, Навбатулло, жиян Маҳаммад, Давлатназар, Муҳаммад Юсуф каби манғит бийларнинг мухри (тамғаси) босилган. 1865 йили Девонбеги номига ёзилган иккинчи бир хатда: «Улуғ кичик ҳамманинг иттифоқлики билан илтижолари Соҳибназар бекларбеги оға мархумийнинг ҳаётларида ўз қўлиндоғи Холиқназар оталиқ болани бечора мархумнинг бийлик ўрнига қойил мақом этиб жавобини олиниб берилса, ҳаммага Фарруҳ диллик ҳосил бўлғай деб 1282 зулқаъда ойинда бу мактуб мархум бўлди», деб ёзилган.²

Март ойида ёзилган. 1870 йилга оид ҳужжатларда (8,109) манғит бийлари Демок, ҳужжат 1865 йили Соҳибназар бекларбеги вафотидан кейин 1866 йил орасида биринчи ўринда Холиқназар бий номи ёзилган. Шунга қараганда бекларбеги вафот этса, ўрнига ўнинг ўғлини ёки авлодини бекларбеги эмас, балки дастлаб бийликка тайинланган. Шунда ҳам уни бошқа бийлар номзод қилиб кўрсатиши, хон томонидан маъқул топилиши зарур эди.

Қорақалпоқ жамоаларини идора этишда юзбошининг роли ҳам катта бўлган. Улар 1873 йилгача бийлар каби вазифаларни бажарган ва ҳурматга сазовор бўлган. Уларнинг қўл остидаги навкарлар сони бийлар қўл остидаги навкаридан қолишмас эди.

Хива давлат архивида қорақалпоқ бий, юзбоши, оталиқ ва бекларбеги қарашли навкарларнинг рўйхати, ўзбек, туркман навкарларининг рўйхати қаторида 5,26,30,57,59 каби дафтарларида берилган.³

Уларда энг олдингиси 1824 йилга энг кейингиси 1872 йилга доир. 5,57,59 дафтарларда ўша даврдаги қорақалпоқ амалдорлари ва уларнинг навкарларининг рўйхати келтирилган. 57,59 дафтарларда рўйхатда берилган қорақалпоқ навкарлари Раҳимқул тўранинг 1824-1825 ва 1830-1831 йиллари

¹ Жалилов О. XIX-XX аср бошларидаги қорақалпоқлар тарихига оид муҳим ҳужжатлар. Тошкент 1977, 142 б.

² Жалилов О. XIX-XX аср бошларидаги қорақалпоқ тарихидан Фан. Т., 1985, 109 б.

³ Шу асар 110 б.

Хуросонга ва бошқа ерларга қилган уруш сафарига қатнашган навкарлар рўйхатидир.¹

Хива давлат архиви шу Қорақалпоқ юзбоши ва амалдорларга қарашли навкарлар тўғрисида 26 (7,64), 30 (7,68)- дафтарларида ҳам маълумотлар бўлиб, улардан характерлиси, 30-номердаги хужжатдир. Унда қорақалпоқларнинг ҳар бир уруғ - қабиласига мансуб навкарлар ва уларнинг юзбоши бошлиқлари айрим-айрим кўрсатилган.

1873 йилдан кейин ҳам қорақалпоқларда юзбошилар бўлган. Лекин навкарлар 20 дан ошмаган. Навкарлар эса полиция вазифасини ўтагани учун соқчи деб аталган.

1902 йили Жумоной ҳокимлигида (ҳокими Абдурахимбой) Сайдали юзбошининг қўл остида 19 навкар бор эди. Ундан бошқа Оллоберган бий юзбоши Тоҳир юзбоши, Кўчқор бий юзбоши, Шержон юзбошиларнинг 7 нафардан навкари бўлган.²

Қорақалпоқларни идора этишда, айниқса, 1855 йилдан бошлаб ясавулбошилар катта роль ўйнаган. Ясовулбошилар ўзбеклардан тайинланар, уруш пайтида неча мингларча навкарга саркардалиқ қилар, уларни хон Формонига мувофиқ урушга олиб қирар эдилар.³ Тинчлик даврида эса хоннинг турли топшириқларини бажарганлар. Қорақалпоқларнинг маъмурий ишларида дастлаб Маҳмуд ясавулбоши, 1873 йилдан сунг эса Юнус ясавулбошилар иштирок этганлар. Архив материаллари қорақалпоқлар орасида ноиб, маҳрам, мироб, дарға, чухро оғаси, қози, раис қаби амолдорлар, оғо, бобо, боҳодир бек қаби фахрий унвонлар бўлгани, у амалдаги кишилар қорақалпоқнинг мамурий ишларида катта ўрин тутганини кўрсатади.⁴

¹ Брегель Ю.Э. Документы архива хивинских ханов по истории и этнографии каракалпаков М., 1967, с.62

² Андрианов Б. В. Этническая территория каракалпаков в Северном

Хорезме//Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР, 1958. т.3, 58 б.

³ Йўлдошев М.Ю. Материалы по истории каракалпаков// Общественные науки в Узбекистана 1965 №1, 63 б.

⁴ Брегель Ю.Э. Документы архива хивинских ханов по истории и этнографии каракалпаков М., 1967, с.58

XIX асрнинг II ярмида қорақалпоқнинг бешсори Хитой уруғидан Бекмуҳаммад, Шермуҳаммад ноиб, қулдовли қабиласидан Шержон қаби ноиблар етишиб чиққан. Қўнғирот қорақалпоқларининг Худайберган утоб, Эржан, Жонибек, Эшим Абдусамат, Дусум, Жанак, Арна қаби мироблари. Доймон, Элмирза, Қоймоқ, Хўжа, Назар қаби маҳрамлари: Турум, Хўжаназар қаби дарғалари, Абдусаттар охун билан Эрқабой, Оранбой, Муртазо қаби раислари, Эрмуҳаммад номли чухра оғаси бўлган.

Ўн тўрт уруғ қорақалпоқларида Турдук, Берди, Хуроз, Мулло Муҳаммад Карим, Тилоб қаби мироблари, Жиян Муҳаммад, Оллоберган, Бекмуҳаммад, Алибек, Ўнбой, Нурмуҳаммад, Ўтаган, Холмуҳаммад, Қулмурод, Абдукарим, Пирназар қаби маҳрамлар: Ражаб, Эрман қаби дарғалари: Муҳаммад Шариф, Эржан, Ражаб қаби раислари бўлган. Қорақалпоқ ноиблари Амударёнинг ўнг томонидаги бирдан-бир маъмурий марказ ҳисобланган. Чимбойда туриб ўз ҳокимларининг кўрсатмаси билан унинг топшириқларини амалга оширар эди.

Яъни ноиб қорақалпоқларни бошқаришда ўша ҳокимларнинг ёрдамчиси ҳисобланган. Ноибларнинг ҳам ўз кўранги бўлган. Мироблар қазув масалаларида етакчи раҳбар саналган, дарзалар Амударё ва ўнинг ирмоқларидаги гузарлар, умуман кема ишларини бошқарган.

Раислар бозор тартиби, диний марасимларнинг аниқ бажарилиши устидан назорат олиб бориш қаби дин шариат қонун қоидаларини нормал олиб бориш хизматини бажарган.¹

Оғо, боб, баҳодир беклар Фаҳрий унвон бўлиб, қорақалпоқ амалдорлари номидан олдин ёки кейин келиб, бекларбеги оға, оталиғ оға, ноиб оға, бий оға, оғабий, бийбобо қаби қушилиб айтилар эди.

Қорақалпоқ уруғ оқсоқоллари амалдорларининг бололари бек номи билан аталган. Баҳодирлар, беклар уруш пайтларида катта ҳурматга амалдорға олдин беклар орасидан тайинланар эди. Яна шуни қайд қилиш лозимки, юқаридаги амалдорларнинг ҳаммасини хоннинг ўзи тайинлар эди.

¹ Брегель Ю.Э. Документы архива хивинских ханов по истории и этнографии каракалпаков М., 1967, с.59

Қорақалпоқларнинг маъмуриятида рухонийлар: қози, Раис, шайх, эшон, имом, охун, мутавали маҳмудлар кўзга кўринарли ўрин тутган. Бу рухонийлар ҳам хоннинг розилиги билан тайинланарди. Аҳоли яшайдиган туманлар улар ўртасида тақсимланган бўлиб, ўзига ажратилган жойда хон ҳокимият манфаати учун хизмат қилар эди.

Жумладан, 93 дафтардаги Чимбой мавзейнинг учдан бир дуогуйлигини Хўжайили Мулло Шержонга берилса деб ёзган илтимоси фикримизни тасдиқлайди.¹ Бу дунёвий рухоний табақаси доимо хон ва феодал эксплуататорлар синфи феодал патриархалар намояндаларини ҳимоя қилиб, меҳнаткаш халқ устидан ҳукмронлик этган.

Қорақалпоқларнинг суд ишларини бошқарадиган қозилари хон томонидан ўзбеклардан тайинланар эди. Майда-чуйда даъволарни бийлар, оталиқ, бекларбегилар қолаверса раислар ҳал этган. Асослик даъволарни хон томонидан белгиланган қозикалон (у Чимбойда эди) ҳал қилган.

Юқорида санаб ўтилган қорақалпоқ амалдорлари оммавий масалаларни ўзара кенгашиб ҳал этар, хон ёки хон амалдорларига (кушбеги, девонбеги, меҳтар кабиларга) ариза, шикоят, илтимос, ахборот билдириш - хабардор этиш мазмунидаи хат ёки ўз вакилларини юборар эди. Ундай хатларда бекларбеги, оталиқ, бий, маҳрамлар ва баъзан ясавулбоши қозиларнинг ҳам муҳри босилар эди.

Қорақалпоқ амалдорларининг муҳрлари ҳар хил шаклда бўлиб, муҳрда шу шахснинг, отасининг номи, амали ва шу амалга тайинланган йили ҳижрий ҳисобида ёзилган.²

Бекларбеги Қобил 1279.

Худойназар бекларбеги 1282

Бекмуҳаммад ноиб 1287

Оталиқ Эрназар ибн Қобил

¹ Жалилов О. XIX-XX аср бошларидаги қорақалпоқ тарихидан Фан. Т., 1985, 111 б.

² Брегель Ю.Э. Документы архива хивинских ханов по истории и этнографии каракалпаков М., 1967, с.102

Ўроз Муҳаммад оталиқ
Давлатназар оталиқ
Одил оталиқ 1280
Сарим оталиқ 1280
Орзу оталиқ
Орзу Муҳаммад оталиқ
Чил баходир.
Худайназар бий
Давлатназар бий, 1274
Адил бий
Бекмуҳаммад бий 1270
Давлатёр бий 1270
Пирим бий 1274
Мулло бой Муҳаммад бий 1273
Эрмуҳаммад бий 1272
Ражаб бий 1272
Мулло Турум бий
Бекпулат бий 1270
Дустмуҳаммад бий
Тўраниёз бий
Навбатулло бий 1281
Муҳаммад Содик бий 1272
Худойберсун бий
Давлатбой бий

Шундай қилиб, қорақалпоқлар патриархал-уруғчиликнинг сарқити «эски уруғчилик» ташкилотларига мувофиқ равишда идора қилинган. «Уруғ» нинг энг бой нуфузли намоёндалари бекларбеги, оталиқ бий, катхудо, юзбоши, маҳрамлар ҳисобланган. Бироқ улар учун ҳам хоннинг расмий тасдиқи бўлиши керак эди. Қорақалпоқларда бийдан бошқа амалларнинг жорий қилиниши

бийларнинг таъсирини камайтирди. Иккинчи томондан, келажакда уларнинг сиёсатини амалга оширувчи амалдорларнинг хон томонидан тайинланиши қорақалпоқлар устидан Хива ҳокимияти ҳукмронлигининг ўсиши таъминланди», деб езади.¹

Хон албатта, арзимаган хизматлари учун бийлик амалини бераверган. Хива тарихчилари ва архив материаллари Қобилнинг бекларбеги, Эрназарнинг оталиқ амалига тайинлашининг сабаби ҳақидаги ривоятларнинг асоссизлигини кўрсатди. Терстамғали Қобил бий билан кенагас Эрназар бий халқини хонга итоатда сақлаш йўлида жуда кўп хизмат қилдилар. Улар қорақалпоқ қўзғалончиларини бостиришда иштирок этиб бир неча бор инъом олганлар.

Кенагас Эрназар бий 1855-1856 йилдаги қулдовли Эрназар бий (Олакўз) бошчилигидаги қўзғолонни бостиришда қорақалпоқ навкарларига раҳбарлик қилди.

Хон вакили сифатида қулдовли Эрназарни хонга бош эгишга даъват этди ва бошқа шу каби хизматларни бажаради. Эрназар бийнинг туркманлар қўзғалонини бостириш учун бўлган жангларда Хуросонга қарши босқинчилик урушларида иштирок этганига шубҳамиз йўқ. Анна шу хизматлари туфайли хон Эрназарни оталиқ амалига тайинлаган эди.²

Қобил бийнинг хизмати ундан ҳам кўпдир. 1856 йил қорақалпоқлар қўзғолони бостирилгандан сўнг Қобил бийга 20, Эрназар бийга 50 тилла, кейин бекларбеги вазифасига тайинланган манғит Соҳибназарга 50, оталиққа тайинланган Чирувчи Одил бийга 25 тилла вазифа пули берган.³

Умуман, хонлар ўзига мадад, садоқат истаб, қорақалпоқ меҳнаткашларини доимий итоатда тутиш мақсадида, қорақалпоқ амалдорларига вазифа - кейинроқ бий пули деб аталган маошдан ташқари инъомлар учун турли: ер, ғалла, пул, камар, пичоқ, от, эгар каби нарсалар бериб ўзларига қаратиб олганлар.

¹ Йўлдошев М.Ю. Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши. Т., 1959, 83 б.

² Камалов С.К. Каракалпаки в XVIII-XIX веках. Ташкент, 1968, с.123

³ Жалилов О. XIX-XX аср бошларидаги қорақалпоқ тарихидан Фан. Т., 1985, 114 б.

Хонликдаги амалдорларга маош ва навкарларга навкар пули бериш Мухаммад Аминхон даврида (1845-1855) расмий равишда бошланган. У ҳақда Баёний: «1265 (1848-1849) йили Мухаммад Амин хон меҳтарга навкарларнинг рўйхатини тузиб, уларга пул бериш тўғрисида фармон қилди. Беклар тўралар ва саркардарларга ҳам пул беришни амр қилди деб ёзади.¹

Хива давлат архиви 49,60,61,62,63,64,76,89. А- 422 дафтарларида хонлик амалдорларининг номлари, уларнинг мансаблари ва амалига яраша олган маошлари кўрсатилган жуда муҳим материаллар бор.²

Улардан 49,62,76,А - 422 дафтарларда қорақалпоқ амалдорларга берилган маош ёзилган. Қорақалпоқ амалдорларига ҳар йили маош тариқасида пул бериш хонликда 1873 йилдан кейин ҳам давом эттирилган. 1910 йили қорақалпоқ ва қозоқларнинг ҳар хўжалигидан 22 тангадан 19196 тилла солиқ олинган. Шундан уларнинг бийларига бий пули учун 872 тила 4 танга, олти бекларбегига 3000 тилла (50 тилладан) қорақалпоқ ва қозоқларнинг 55 навкарларига 22 тилладан 1210 тилла навкар пули берилган. Тўпланган солиқ суммасидан 16813 тилла қолган. Бу факт 1873 йилдан олдин ва кейин ҳам қорақалпоқ амалдорларининг ўзи меҳнаткаш халқидан олинадиган солиқдан катта манфаатдорлиги, шунинг учун солиқларни йиғиб топшириш ишида ҳар қандай жинойтлардан қайтмаслигини кўрсатади. 1873 йилдан олдин қорақалпоқлар хонликқа 2000 навкар бериш мажбурияти юкланганини қайд қилиб ўтган эдик. қорақалпоқ навкарларининг аҳволи туркман навкарлариникига қараганда оғирроқ эди. Уларга туркман навкарларига берилган имтиёзлар, жумладан, хон томонидан экин майдонлари ажратиб берилган Уларга фақат урушга юриш олдидан, баъзан кейин беш тилладан навкар - пули берилар эди. Архив ҳужжатлари фикримизни тасдиқлайди. 1858-1859 йилдаги қорақалпоқларнинг хонга қарши қўзғолони даврида қорақалпоқ амалдорларининг хонга ёзган хатида ўн тўрт уруғ навкарлари агар беш

¹ Жалилов О. XIX-XX аср бошларидаги қорақалпоқ тарихидан Фан. Т., 1985, 115 б.

² Йўлдошев М.Ю. Материалы по истории каракалпаков// Общественные науки в Ўзбекистана 1965 №1, 61 б.

тилладан навкар - пули берилса, ундан кейин эътиқод билан хизмат қиламиз, деганликнинг муҳри ҳам бўлган.¹

Хатдан кўришиб турибдики, қорақалпоқ навкарлари навкар пулини қўзғолон бостирилишидан олдин беришни талаб қилганлар.

Қорақалпоқ навкарларига Муҳаммад Амин хон даврида 1848 йили Марв туркманларига қарши уруш сафаридан қайтишда берилган навкар пули ҳақида Баёний: «у ерда икки минг Қорақалпоқ навкарларига ўн минг тилла ва олти юз Қўнғирот навқариға уч минг тилла навкар пули бериб, уларга ватанларига қайтмоқ рухсатини бериб дедилар: баҳор вақтида тайёр бўлиб келинглари», деб ёзади. Ундан кейинги йиллари марв туркманларига қарши юришларда эса юришдан олдин навкар пули берилган.

Шундай ҳоллар юз берар эдики, қорақалпоқ амалдорлари ва навкарлари учун хонлик томонидан бериладиган навкар пулини қорақалпоқларни бошқараётган ўзбек амалдорлари бермасдан ўзлаштириб олар эдилар. Чимбойда қорақалпоқларнинг ҳокими бўлиб турган Маҳмуд Ясовулбошининг ана шундай навкар пулини бермай, охири Оллоберган Маҳрамдаги 1720 тиллани бўлиб бергани ҳақида хонга қилган шикоят-аризаси бунга яққол мисол бўла олади.²

Яна бир аризада қорақалпоқлар ҳокими (Маҳмуд Ясавулбоши) ни ўрнидан олиб ташлаб инсоф ва диёнатли ҳоким тайинлаб юборишни сўрашади.³

Ундан ташқари хонлик қорақалпоқ амалдор, навкарларига уруш пайтларида озиқ-овқат ўзи ва оти теvasи яралангани ёки ўлгани учун пул ёки ғалла, «Яхши хизмати» (душманни асрир олгани, душманнинг калласи, териси, кесилган қулоғини олиб келгани ва бошқалар) учун пул, ғалла, тўн, пичоқ, камар ва бошқа нарсалар инъом қилган. Қорақалпоқ амалдорлари ва

¹ Жалилов О. XIX-XX аср бошларидаги қорақалпоқ тарихидан Фан. Т., 1985, 114 б.

² Шу асар 115 б.

³ Йўлдошев М.Ю. Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши. Т., 1959, 104 б.

навкарлари хонлиқнинг Марказий туманлари ва Хивага келганда ёки борганида кунуқ (кунуқ пули) берилган. Бундай берилган пул ва нарсалар хонлиқнинг харажат дафтарлари (12,63) билан ғалла даромад буромади ёзиладиган дафтарларда аниқ кўрсатилган.¹

Масалан, 1851-1852 йиллари қорақалпоқ Эрназар Поҳловонга инъом учун 200 ботмон буғдой, Раҳматулла юзбошига 40 ботмон қозоёқли Хитой уруғидан Абдуллага 200 ботмон қипчоқ Ражаб юзбошига 50 ботмон буғдой берилган. Ўша йиллари Марв жангларида кенагас Уталиш Ертибой, Қурбонниёз юзбоши ва Эрназар бий, манғит Абдулфайз, Эрназар, Момон, Соҳибназар бий, Хўжаберган, Халмуҳаммад, Муҳаммадназар каби юзбоши бешсари Хитой Бекмуҳаммад, юзбоши Уролбой хитой Эрнафас, чирувчи хитой Ҳасанбой юзбоши, қангли Эрмуҳаммад баҳодир кабиларнинг ўлган тевалари учун ҳар тевага беш тиллалик ғалла берилган.

1856 йили қорақалпоқ қўзғолони бостирилгандан сўнг қўзғолон бошлиғи Эрназар бийнинг бола-чақасини олиб келган қорақалпоқ навкарларининг қунуқи учун олти тилла берилган. Уша йили қорақалпоқларнинг ўлган ва яраланган отлари учун бир йўла 397 тилла берилган. Тўра Мурод қорақалпоққа йўл озик-овқати учун беш тилла берилган ва ўн тиллага бир от олиб берилган. Яна қорақалпоқнинг қунуқи учун 51 тилла берилган. Ражаб қорақалпоққа от пули учун 40 тилла берилган. Қорақалпоқ бийнинг қунуқи учун биринчи марта 10, иккинчи марта 30 тилла берилган. Уша йили қорақалпоқ навкарлари учун, 2000 тилла навкар пули юборилган.²

1870 йили қорақалпоқ Орзу оталиққа эллик тилла берилган. Қорақалпоқ Нурниёз бий, Сафар бий, Босим бий, Дўстназар бий, Утаб бийга шойи тўн инъом қилинган. Маҳмуд Ясовулбоши билан Хивага келган беш қорақалпоққа беш шойи тўн берилган.³

¹ Йўлдошев М.Ю. Материалы по истории каракалпаков// Общественные науки в Узбекистана 1965 №1, 65 б.

² Брегель Ю.Э. Документы архива хивинских ханов по истории и этнографии каракалпаков М., 1967, 89 б.

³ Йўлдошев М.Ю. Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши. Т., 1959, 68 б.

1871 йили Қобилжан бекларбеги, Худойназар бекларбегиларга биттадан камарли турма чакмон инъом қилинган. Унинг ҳар бири 7 тилла турган.

Яна ўша йили Қобил бекларбегининг ҳалифа пули учун 60 тилла берилган. Қобил бекларбегига 20 кунга 40 тилла кунуқ пули берилган. Қорақалпоқ тарихига оид ҳужжатларнинг қайси бирини олманг, у хоҳ солиқ, хоҳ закот ёки феодал мажбуриятлар тўғрисида бўлмасин, улар қорақалпоқ қабила уруғларини асос қилган ҳолда ёзилган. Шунинг учун улар қорақалпоқ халқининг этник таркибини ўрганишда этник таркибидаги қабила уруғлар ва хўжалик ҳаёти ҳақидаги маълумотлар эса у халқнинг этноним, этногенезини ўрганишда энг муҳим манба бўлиб ҳисобланади. П.П.Иванов, С.П.Толстов, Т.А.Жданко, Б.В.Андрианов, Л.С.Толстова, Р.Косбергеновлар ўз ишларида ёритиб ўтилган қорақалпоқ номининг келиб чиқиши, этник таркибини, қабила уруғларига бўлиниши, хўжалик сони ва туманларга жойлашуви каби масалалари ҳақидаги маълумотларни янада тўлдиради ва янги материаллар билан бойитади. Ўрта ҳисоб билан бир хўжаликда олти нафар киши бор деб ҳисобланади.¹

Демак, ҳужжатлардан маълум бўлишича 1873 йилгача қорақалпоқ халқининг этник состави қабила уруғлари, уруғ шахобча - тералари, уларнинг хўжалик ва жон сони, шулар ҳисобидан хонликка берадиган навкар (отлик Аскар) лари ана шулардан иборат бўлган.

Ҳар беш қорақалпоқ хўжалиги хонликка бир нафар отлик Аскар бериш мажбуриятини бажарган. Яъни бир отлик (отли), 10 хўжалик эмас, балки беш хўжаликка вакиллик этган. Лекин баъзи тадқиқотчилар (12,64) бир отли 10 хўжаликдан иборат деб ҳисоблаб келган эди. 1873 йилдан кейинги даврга доир ҳужжатларда Хива хонлиги ҳукмронлиги остидаги қорақалпоқларнинг этник состави хўжалиги ва аҳолиси тўғрисида ажойиб маълумотлар бор. Улардан боймоқшиларнинг Найман, Ибдош, Тунгмуюн уруғлари ва Чиконой, ойим

¹ Жалилов О. XIX-XX аср бошларидаги қорақалпоқ тарихидан Фан. Т., 1985, 116 б.

тераларга, терстамғалиларнинг туғли терстамғали, бойқорғон, чумоқ каби уруғларга бўлингани маълум бўлди.

Бир қабила, уруғ ёки терани бирдан ошиқ бий ёки катхудо бошқарган хўжаликлар, баъзан шу қабила, уруғ тарага мансуб лекин Амударёнинг ўнг томонида яшаётган хонлик фуқароси саналган хўжаликлар қўшиш белгисидан сунг айрим-айрим езилади.

Агар ҳар хўжаликда ўрта ҳисоб билан 6 нафар киши бўлган деб ҳисобласак, Хива хонлигида 1887-1888 йиллари 25482 нафар 1909 йили 23882 нафар, 1910-1911 йиллари 23232 нафар қорақалпоқ аҳолиси яшаган бўлиб чиқади.

Умуман, XIX асрнинг II ярми XX асрнинг бошларидаги юқорида санаб ўтилган қабила-уруғлар ўзининг ички ва ташқи ҳаёти ўзаро иқтисодий, ишлаб чиқариш муносабатлари нуқтаи назаридан қараганда ҳақиқий қабила, уруғлик талабларига (нормаларига) жавоб беролмас эди.¹

Яъни, уруғ жамоаси синфсиз ибтидоий жамиятдаги қадимий уруғчилик жамоасидан анча узоқда эди.

Шунинг учун қорақалпоқ уруғ жамоасининг асосида ишлаб чиқариш маҳсулотларига уруғнинг умумий эгаллиги эмас, балки хусусий эгаллик ётар эди.

Қорақалпоқ жамияти эксплуататорлар ва эксплуатация қилинувчилардан ташкил топган. Т.А.Жданконинг сўзи билан айтилганда, қорақалпоқ жамиятининг уруғ деб аталиб келган ячейкалари ўзининг ижтимоий, иқтисодий мазмуни жиҳатидан ҳеч қачон ибтидоий жамоа тузумининг ташкилоти сингари уруғга ҳар қандай даражада жавоб бера олмас эди.

Қабила - уруғ тузумининг айрим звеноларига таалуқли бўлган терминларнинг туюқсизлиги ва аҳоли хотирасида экзогамнинг бир гуруҳидан иккинчи бир гуруҳга ўтиш ҳолларининг мавжудлиги ҳам, қабилаланиши ижтимоий мазмунига тўғри келмайдиган одатдагидан ташқари бир традиция

¹ Брегель Ю.Э. Документы архива хивинских ханов по истории и этнографии каракалпаков М., 1967, с.101

бўлиб қолганлигидангина дололат беради. Бу анъана Хива хонлиги томонидан у халқни идора қилиш учун маъмурий система сифатида сақланиб келган.¹

Хивада марказлашган ҳокимиятнинг ташкил топиши қорақалпоқларнинг маъмурий тузилишига катта таъсир кўрсатган. Хоразм қорақалпоқлари Хива хонлари томонидан бий, оталиқ, бекларбеги, ҳокимлар орқали бошқарилиб келган.

Қорақалпоқлар яшаган мойдонларда энг катта маъмурий бирлик ҳокимлик, энг кичкинаси эса бий ва катхудо бошқарган майдон (бийлик, катхудолик ёки овул) ҳисобланган. Ҳоким, бекларбеги, оталиқ, бий, катхудодан ташқари ноиб, маҳрам, юзбоши, қози, дарға, раис, чухро оғаси каби амалдорлар бўлган. Улар хонлар томонидан тайинланган. У амалдорларга маош тариқасида пул бериш Муҳаммад Аминхон даври (1845-1855) дан бошланган.

Катхудо, бийлар, оталиққа, бекларбегига этник тузилиш асос қилиб олинган. Жумладан, қорақалпоқлар Қўнғирот, ўн тўрт уруғдан иборат иккита катта этник гурпуага бўлинган бўлиб, ҳар биридан биттадан бекларбеги тайинланган. Хива хонлари ўз ҳокимиятини сақлаш ниятида амалдорларга ер, пул, от, эгар ва тўн, пичоқ, камарга ўқшаш нарсалар совға қилиб, уларни содиқ бўлишига ундар эдилар.

Қорақалпоқлар хонликка ҳар йили 2000 навкар бериш мажбуриятини ўтаганлар. Қорақалпоқ навкарлари бошқа миллат навкарларига нисбатан оғирроқ ҳаёт кечирганлар уларга навкар-пули, кунуқ-пули жангда ўлган отлари учун ғалла ёки пул берилар эди. Қорақалпоқ навкарларини ўз бий, юзбоши, оталиқ ва бекларбегидан ташқари ўзбек ясовулбошилари бошқариб келганлар.²

¹ Йўлдошев М.Ю. Хива хонлигида феодал ер эғалиги ва давлат тузилиши. Т., 1959, 85 б.

² Камалов С.К. Қарақалпаки в XVIII-XIX веках. Ташкент, 1968, с.128-130

XIX аср ўрталари (1873 йиллари) гача ҳар бир юзбоши қўл остида 5-1000 навкар, 1873-йилдан сўнг, айниқса, XX асрнинг 1 чоракларида 10-20 навкар бўлган.

Қорақалпоқлардаги қабила-уруғлар ибтидоий жамиятдаги қабила-уруғ нормаларига жавоб беролмас эди. Қорақалпоқнинг бундан қабила - уруғларига бўлиниши анъанавий бир ҳол бўлиб, Хива хонлари унинг сақланиб қолиши учун курашиб келганлар.

Қорақалпоқ меҳнаткашлари хоннинг деспотик сиёсати, хон амалдорлари ва ўз оқсоқолларига қарши доимо курашиб келганлар. Бунда курашларда ўзбек, туркман, қозоқ халқ меҳнаткашлари билан қордошларча ҳамкорликда бўлганлар.¹

Архив ҳужжатлари қорақалпоқларнинг Хива сиёсий ҳаётида, совдасининг ривожланишида фаол иштирок этганини кўрсатади. Ҳақиқатда, шимолий Хоразмда қорақалпоқлар иштирок этмаган бирорта йирик сиёсий ҳаракат бўлган эмас.

¹ Жалилов О. XIX-XX аср бошларидаги қорақалпоқ тарихидан Фан. Т., 1985, 118-120 б.

III боб. Қорақалпоқларнинг ер эгалиги ва чорвачилик хўжалиги хақидаги маълумотлар.

Олинган тарихий маълумотларга кўра XVI аср охири ва XVIII асрларда қорақалпоқларнинг асосий қисми Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими худудида яшаганлар. Сирдарё қорақалпоқлари XVII асрда ҳамда XVIII асрнинг ярмигача қозоқлар қуршовида яшаганлар ва уларнинг сиёсий ва иқтисодий ахволи қозоқ хонларига боғлиқ бўлган. Лекин хўжалик юритиши бўйича қозоқлардан кучли фарқ қилади. Қозоқлар катта доирада кўчманчи чорвачилик билан шуғулланган бўлсалар, қорақалпоқлар ярим кўчманчи ҳаёт тарзига эга бўлиб чорвачилик, деҳқончилик ҳамда балиқчилик билан шуғулланганлар.

Қорақалпоқлар яшаётган худудни табиий шароити ҳам инжиқ бўлиб бу шароитда яшаётган қорақалпоқлар қозоқлардан фарқли равишда фақат чорвачилик ёки фақат деҳқончилик билан шуғулланиш имкониятига эга эмас эдилар. Уларнинг табиий геогарфик шароити бу ерларда комплекс тарзда деҳқончилик-балиқчилик-чорвачиликни бир хилда ривожланиши учун имкон беради.¹ Қуйи Сирдарё, Кувондарё, ҳамда Жана-дарё водийсида яшаётган қорақалпоқлар деҳқончилик билан шуғулланганлар. Қорақалпоқларда ғаллачилик яхши ривожланган бўлиб улар етиштирган ғалла нафақат ўз эҳтиёжларини қондирган, улар ғаллани қозоқлар билан чорвага айирбошлаганлар. Бошқа бир қорақалпоқлар гуруҳи чорвачилик билан шуғулланганлар. Уларнинг чорвачилиги билан қозоқларни чорвачилиги урасида ҳам фарқ мавжуд эди. Қозоқларнинг чорвачилиги йилнинг тўрт фаслида ҳам кўчиб юришни тақозо қилади. Қорақалпоқлар эса фақат туёқли чорва билан шуғулланардилар. Улар ёзда ўтлоқларда боқилса қиш учун емхашак хозирланарди. Бу эса чорвачиликни деҳқончилик билан узвий боғлаб турарди. Ўз навбатида ерга ишлов беришда чорвадан фойдаланиларди.

¹ Толстов С.П. Города гузов. СЭ. 1947. №3, с.100

Балиқчилик билан шуғулланувчи қорақалпоқлар деҳқончилик билан шуғулланадиган қорақалпоқлар билан балиқни ғаллага айирбошлаганлар. Уларнинг бундай комплекс хўжалик юритишлари халқ мақолларида ҳам акс этган: «Уш ай саун, уш ай каун, уш ай кабагым, уш ай шабагым айтеўир тиришилик етермиз». Қорақалпоқлар ҳаётида савдо ҳам асосий роль ўйнайди. Улар қозоқлар билан ғаллани чорвага алмаштирганлар. Қорақалпоқ савдогарлари Бухора билан қозоқ хонлари ўртасида даллоллик қилганлар. Шунингдек орол ўзбеклари ва Хива билан савдо сотиқ ишларини амалга оширганлар шу билан бирга қорақалпоқ савдогарлари рус шаҳарларида ҳам бўлганлар. Русларнинг баъзи манбаларида ёзилишича XVIII асрнинг 30 йиллари ўзлари қўрғошин олиб ундан ўқ ясаганлар. Шунингдек қозоқларга сотиш учун порох таёрлаганлар.

Қорақалпоқ халқи Хоразм территориясига кўчиб келганидан кейин ҳам ўзи жойлашган ҳосилсиз қуруқ ва ботқоқлик ерларни қуришиб, суғориш каналлари ўтказиб, тўғонлар ва бошқа сув иншоатлари қуриб, деҳқончилик қорақалпоқ хўжалигининг асосий тормағи сифатида ривожланди.¹

Юқорида айтганимиз сингари Қалликул, Қушқана тов ва Кегейлидан иборат учта воҳаси Амударёнинг чап қирғоғида лавзон, Чонлибосув, Шумоной, Қиётжорғон каналларидан қуйида ташкил топган. Амударёнинг ўнг қирғоғида ҳозирги Чимбойнинг ғарбий-шимолида, собиқ ўзбек деҳқончилик тумани, Қорабойлининг атрофида Амударёнинг табиий тармоғи бўлган Қорабойли суви билан суғориладиган Қушқанатов воҳаси вужудга келди. Унинг суви Чуртонбой, Эшон, Арзибой, Тиллабой, Бийжон, Элгелдижоб ва бошқа ариқлардан келган А.В. Каульбарсининг айтишича, Қушқанатов паст текислиги XIX асрнинг 30-50 йиллари шимолий Хоразмнинг қорақалпоқ, қангли, қипчоқларнинг тумани бўлиб ҳисобланган.

XIX асрнинг охирларида Кегайли воҳаси шимолий Хоразмдаги йирик деҳқончилик тумани бўлиб қолди.

¹ Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. Ленинград, 1950, с.18-19

Ўрта Осиёнинг энг йирик феодал давлатларидан ҳисобланган Хива хонлигига қорақалпоқларнинг қарам бўлиши, уларни хонликнинг иқтисодий-сиёсий системасига эргаштиришга мажбур этди. Улардаги аграр муносабатлар ўзгариб борди.

С.К. Камалов XIX асрнинг 20-60 йилларда қорақалпоқларнинг ижтимоий-иқтисодий тузумига, ирригация ишлари ва деҳқончилик хўжалигининг ривожланишида Хива хонлар томонидан ҳокимиятни марказлаштириш билан халқларнинг ўзаро урушларига барҳом берди, айниқса, уларнинг (қорақалпоқларнинг) қадимдан деҳқончилик билан шуғулланган ўзбеклар - Хоразмликлар билан қўшничилиги ўша даврда ерларни зудлик билан ўзлаштиришга ва деҳқончиликнинг ривожланишига сабаб бўлди.¹

Қорақалпоқларда феодал ер эгалиги Ўрта Осиё хонликлари, асосан, Хива хонлигида XIX аср ва XX аср бошларида ҳуқуқ сурган феодал ер эгалиги билан мустақкам боғлиқдир. Хива хонлигидаги аграр муносабатлар ҳақида рус олим ва саёҳатчилари - Н.Н.Муравьев, М.И.Иванин, Г.И.Данилевский, Я.Килевейн, А.Л. Кун, Л.Ф. Костенко, Н.И.Веселовский, Гиршфельд ва М.Н.Галкин, О.Шкапский, В.Лобачевский, А.В.Каульбарс кабиларнинг асар ва хотираларида баъзи бир маълумотлар берилган.

Бирок, у авторлар чор Россиясининг амалдорлари, буржуа синфининг вакиллари бўлгани учун уларнинг ёзганлари тенденциоз характерда бўлган. Хива хонлиги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихий жумладан, феодал давлат тузилиши ва ер эгалиги каби муҳим масалалар тарихини ҳаққоний асосларда ўрганиш тарихчилар, шарқшунослари томонидан амалга оширилди. Таниқли шарқшунос тарихчи профессор П.П.Иванов, ЎзССР Фанлар академиясининг академиги М.Й. Йўлдашовлар Хива хонларининг архивини топиб, ундаги материаллар асосида юқаридаги масалаларни кенг ёритиб берган муҳим асарлар яратдилар.

¹ Камалов С.К. Қарақалпаки в XVIII-XIX веках. Ташкент, 1968, с.132

Ҳақиқатдан, XIX асрда Хива хонлигида ер эгалиги, ер солиғи тўғрисида яқин кунларгача О.Шкапскийнинг «Амударё очерклари» номли китоби мавжуд эди. Мазкур китоб бой фактик материалларга эгалиги билан характерланади. О.Шкапский Амударё бўлими, айниқса, Шўрохон участкасининг географик ўрни, табиий шароити деҳқончилик ишлари, деҳқончилик қуроллари, суғориш иншоотлари тўғрисида кенг маълумот берган.¹ Шўрохон участкасидаги ер эгаликни, подшолик (давлат), хусусий мулк ва вақфдан иборат формаси бўлганлигини баён этади. Шу аснода бутун Хива хонлигидаги ерга эгалик ва солиқ системасини ёритиб берган. Шкапский Амударё бўлимидаги деҳқонларнинг оғир аҳволини қисқача баён этади. Бироқ, у асар муҳим аҳамиятга эга бўлишига қарамай, унда қўйилган масалалар бўйича камчиликлар мавжудлиги туфайли асарда Хива хонлигидаги ва қорақалпоқлардаги феодал ер эгалиги масаласи узил-кесил ҳал қилиб берилмаган. Шкапскийнинг китоби ҳақида М.Й.Йўлдошев ўз асарларини ўқиган ҳар бир бир тадқиқотчи ундаги камчиликларни кўриши мумкин. Жумладан, у Шўрохон участкасидаги ерга эгаликни учга ажратса-да лекин уларни тушунтиришда подшолик (давлат) ерларини мулк-ерлар билан аралаштириб юборади. Мулк ерни, солиқ олинмиш олинмаслигига ёки қай тарзда олинмишига қараб, уни отои ва ёрлиқли мулкка ажратади.

Ёрлиқли мулк - ерга хусусий эгалик ҳуқуқи учун давлат томонидан берилган ёрлиғи бўлган шахслар мулкидир.

Ёрлиқли мулк эгалари солиқ тўламас эди. Отом мулк хоннинг қориндошлари, йирик амалдорлари қўлида бўлган, улар аъло деб ҳисобланса - да, ерига нисбатан арзимаган солиқ тўлаган.²

Умуман, отои мулк эгаларидан олинган солиқ жуда оз эди, аммо баъзи жойларда улар солиқдан озод бўлиб қолган деб, таъкидлайди. Шкапскийнинг бу маълумотларидан мулкли ер эгалари умуман солиқдан озод қилинган деган

¹ Жалилов О. XIX-XX аср бошларидаги қорақалпоқ тарихидан Фан. Т., 1985, 20 б.

² Шу асар 19 б.

хулоса келиб чиқади. Шкапский отои мулк деб ҳисоблаган ерларнинг ҳам эгаларида (хоннинг қориндошлари ёки амалдорларда) унга эгалиги ҳақида ёрлиғи бўлган. Солиқ тўламаган шахсларнинг отои мулки бу жихатдан ҳам ёрлиқли мулкка ўхшаб кетади. Демак, ёрлиқнинг бўлиш-бўлмаслиги мулк ерни Шкапский кўрсатганидай категорияларга бўлишга асос бўла олмайди.

Архив материалларининг кўрсатишича: хоннинг қариндошлари йирик амалдорлар, айрим руҳонийлар, хонликка хизмат кўрсатган навкарлар (отлик аскарлар баъзи шахслар) солиқлардан озод қилинган.¹

У ҳақида махсус ёрлиқлари бўлган. Ана шундай шахслар ёрлиқдорлар деб аталган. Уларнинг эгалигидаги ер ёрлиқли мулк эмас, ё хусусий мулк ери, ёки давлат ери, ё бўлмаса вақф ери ҳисобланган.

Хива хонлигидаги аграр муносабатлар тўғрисида П.П.Иванов берган маълумотлар аҳамиятлидир. У биринчи бўлиб Хива хонларининг ўзига тегишли хусусий мулк ерлари бўлган деган хулосага келади ва у фикрини Хива хонлари архиви Хужжатлари асосида исботлаб берди. П.П.Иванов мақоласида «Шундай қилиб бизнинг хужжатимиз, Амударё дельтасидаги ҳаммадан кўра муҳимроқ туманларнинг бирида қорақалпоқ аҳолиси ўртасида уруғжамоа ер эгалигини характерлаб беради» - деб ёзган бўлса, «Қорақалпоқлар ҳақида янги маълумотлар» номли мақоласида «Хива, бошқа Ўрта Осиё туманларидаги ўзбекларнинг аграр муносабатларини ўрганар эканмиз, қорақалпоқлар ўртасидаги сингари уруғ-жамоа формасининг бўлганини кўрамиз. Бироқ бу фарқ шундаки, ерга эгаликнинг бу формаси ўзбек туманларида XIX асрнинг бошларида деярли йўқолиб, ўз ўрнини амалдор, йирик ер эгалари ёки давлат эгалигига бўшатиб берди. Қорақалпоқ туманларида эса уруғ - жамоа ер эгалиги у ёки бу шаклда XIX асрнинг II ярми бошларигача сақланмоқда эди. XIX асрнинг ўрталарида қабила уруғ жамоасининг ерга ва яйловларга бўлган эгалик ҳуқуқи фақат қалбаки

¹ Йўлдошев М.Ю. Материалы по истории каракалпаков// Общественные науки в Узбекистана 1965 №1, 62-65 б.

расмиятчиликдан иборат бўлиб, амалда барча экин мойдонларига феодал уруф бошлиқлари эгалик қилар эди» деб ёзади.¹

Бу маълумотлар Хива хонлиги, жумладан қорақалпоқларда ер эгалигини характерлаб беришда қимматли маълумотлар ҳисобланади.

Хива хонлигида феодаллик зулмининг уч хил шакли мавжуд эди: моддий, табиий ва меҳнат. Моддий зулмга «солғит» деб номланувчи ер солиғи ва «закот» деб номланувчи мол-мулк ва чорва солиғи киради. Мол-мулк солиғи катта ва ўрта ер эгалари билан бир хилда оддий деҳқонларга ҳам жорий қилинган эди. Солғит тўловчилар уч хил категорияга ажраларди: ўн танобдан ортиқ ер эгалари уч тилло тўлашлари керак бўлган, ўн танобгача ерга эга бўлганлар икки тилло, беш танобгача ерга эга бўлганлар бир тилло шу билан бирга ерга эга бўлмаганлар ҳам бир тилло солғит тўлардилар. Ҳудди шу даврда катта зодагонлар ва дин пешволари солиқдан озод этилган.

Қорақалпоқлар Амударё дельтасига келиб жойлашганларидан сўнг улар хали ерларини ўзлаштириб олмасларидан Муҳаммад Раҳим хон улардан ҳудди туб аҳоли билан бир хилда солиқ тўлашларини талаб қилди. Бундай солиқ тўлаш учун қорақалпоқларни қурби етмасди. Натижада солиқ йиғувчилар билан қорақалпоқлар ўртасида тўқнашувлар вужудга кела бошлади. Муҳаммад Раҳим хон бу тўқнашувларга барҳам бериш мақсадида қорақалпоқлар биргаликда ҳар йили 20 минг тилла тўлашларини талаб қилди. Солғитнинг бу тури «солғит-кесма», шунингдек келишувга асосан тўлов деб ҳам номланарди.

Қорақалпоқлар солғит кесмадан ташқари закот ҳам тўлардилар. Бу туя, от ва шохли моллардан қирқ бошига беш тилладан ва қирқ бош қўйга 10 аббос (бир аббос 25 кумуш тангага тенг) дан иборат бўлган. Катта чорва эгалари хар-хил йўллар билан айёрлик қилиб закотни кўп қисмини камбағаллар зиммасига ташлардилар. Хонлик ерларида деҳқончилик билан шуғулланаётган қорақалпоқлар ернинг хажмидан катъий назар йиғилган 4-5

¹ Иванов П. Очерки истории каракалпаков//Материалы по истории каракалпаков. Москва-Ленинград, 1935, с.37

ботмон ғалладан икки ботмони солиқ учун тўлашган, бу табиий солиқ ҳисобланган. Юқоридаги солиқлардан ташқари қорақалпоқ ер эгалари жойлардаги дин пешволарига «усир» (хосилни ундан бир қисми), ўрмонлардан фойдаланганлик учун алоҳида солиқ «тутун пули» (утин учун тулов) йиғилган. Солиқларнинг бутун оғирлиги меҳнаткаш қорақалпоқлар елкасига тушади, зодагонлар ва дин пешволари солиқдан озод эдилар.¹

Қорақалпоқлар мажбурий меҳнатга ҳам жалб қилинган (хонликдаги ариқларни қазир, кўприкларни содлаш, Амударёдаги дамбаларни тўғридаш ва содлаш ва хоказо). Хар бир уй эгаси бир йилда бир ишчи бошига 12 кундан ишлаб бериши керак бўлган. Кўприкларни содловчи ишчилар «кўпирчи», каналларни тозаловчилар «қазувчи» деб номланарди. Бу ишларга бир йилда 27079 одам жалб қилинган бўлса шундан 6000 киши қорақалпоқлардан бўлган.

Яна бир феодалона мажбуриятлардан бири қорақалпоқ аҳолиси хонлик кўшинида хизмат қилаётган 12000 навкарни боқиси керак бўлган. Бу эса уларга 1874 йилда 100-140 минг тиллага тушган. Урушларда қорақалпоқ харбий отрядларини бийлар, ботирлар ва юзбошилар бошқарган. Улар уруш даврида қорақалпоқ меҳнаткашларининг солиқларини ортиши ҳисобига тинчлик давридагидан 4 баробар кўп ҳақ олганлар. Солиқ йиғиш билан хон амалдорлари «қушбеги» ва «меhtar»лар шуғулланганлар. Чап қирғоқ қорақалпоқлардан қушбегилар, ўнг қирғоқликлардан меhtarлар солиқ йиғганлар. Улар бу хизмати учун Хива хони томонидан тақдирланмаган. Улар солиқ йиғиш давомида турли хил ёмонликлар билан ўзларига ҳақ қолдиришга ҳаракат қилганлар ва шулар ҳисобига яшаганлар. Солиқ йиғувчилар порахўрлик қилардилар. Оқсоқоллар бий ва оталиққа, бий ва оталиқлар бекларбеги, қушбеги ва меhtarларга пора бериш эвазига солиқ тўлашдан қутулардилар, бунинг эвазига улар тўлаши керак бўлган солиқ улуши ҳам меҳнаткаш аҳоли зиммасига тушарди.

¹ Иванов П. Архив хивинских: ханов. Ленинград, 1940, с.142

Закотни «божмон» лар йиғишарди ва йиғилган солиқни 10% хон томонидан уларни ўзларига қолдириларди. Закот йиғишда қозилар ҳам иштирок этишарди. Ғалла солиғини «мушриф» лар йиғишарди. Улар йиғган ғалла қушбеги ва меҳтарларга берилади, улар эса хон саройига элтишарди. Мажбурий меҳнат солиғини қушбеги ва меҳтарлар назорат қилишарди айниқса каналларни тозалаш жуда оғир бўлади, бунинг оқибатида одамлар оғир касалликларга чалинардилар. Хонлик томонидан ўтказиладиган ҳар бир тадбир учун бий ва оталиқлар хонга пора беришарди. Бу эса оддий меҳнаткашлардан йиғиб олинарди. Шунча йиғилаётган солиқларнинг устига бундай йиғимларнинг кўшилиши меҳнаткашларнинг икки томонлама таланиши (Хива хонлари ҳамда ўзларининг феодаллари томонидан), уларни янада ғазабга келтирарди.

IV боб. Қорақалпоқларнинг қўзғолонлари ҳақидаги маълумотлар

XVIII аср бошларида қорақалпоқлар устидан сиёсий ҳукмронлик қозоқ хонлари қўлида бўлиб, бу ҳукмронлик жойларда бийлар, хўжалар ва бошқа феодаллар орқали амалга оширилган. Қорақалпоқлар ҳар йили қозоқ хонларига уларнинг отлиқ отрядлари учун кўпгина миқдорда ғалла етказиб бериб турганлар. Шунингдек қорақалпоқлар қозоқ отрядлари билан бир қаторда турли феодал урушларида иштирок этишлари, қорақалпоқ бийлари ўзларини ҳудудидан ўтаётган карвонлардан қозоқ хонлари учун бож ундиришлари керак бўлган, чунки бу ерлар қозоқ хонларига тегишли бўлиб вақтинча қорақалпоқларга бериб турилган деб ҳисобланган. Қорақалпоқ бийлари карвонлардан олинган божнинг бир қисмини ўзларида қолдириб, қолганларини қозоқ хонларига етказиб берганлар.

XVIII асрда қорақалпоқлар орасида қозоқ хонлари ҳукмронлигидан озод бўлиб сиёсий мустақилликка эга бўлиш учун интилиш вужудга келди. Савдонинг ривожланиши натижасида қорақалпоқларнинг Россия, Бухоро ва Хива билан алоқалари кучайган. Сирдарё қорақалпоқлари билан Зарафшон водийсида, Хоразмда ва бошқа жойлардаги қорақалпоқлар ўртасида алоқа ўрнатилган улар Россиядан фойдаланиб қозоқ хонликларидан қутулишга умид қилганлар. Россия ҳам қорақалпоқлар билан дўстона муносабатлар ўрнатиш тарафдори эди. Чунки Ўрта Осиё ва Хиндистонга борадиган карвон йўли қорақалпоқлар ҳудудидан ўтган.

1721 йилда Ишим-Мухаммад хон Пётр I нинг олдида элчи юбориб рус императорини ҳар қандай истагини бажаришга розилигини билдиради.

Руслар ҳам қорақалпоқларни ўз ҳукмронлигига олишга розилик билдирадilar. Аммо бу келишувнинг амалга ошишига 1720 йилдаги Жунгарлар босқини ҳалақит беради. Жунгарлар босқини натижасида Сирдарёнинг ўрта оқимида қорақалпоқларни «юқори» ва «қуйи» қорақалпоқларга ажралиб кетишига олиб келади. «Юқори» қорақалпоқлар

Жунгарларга сиёсий қарам бўлиб қолади. Қуйи қорақалпоқлар эса 1723 йилгача тўлиқ 1762 йилгача қисман қозоқларнинг Кичик Жузига қарам бўлиб қоладилар.¹

1731 йилда кичик Жуз рус хукмронлигига ўтади. Қуйи қорақалпоқлар ҳам рус хукмронлигига ўтишни сўрайдилар, фақат рус хокимиятига ясақ тўламаслик шарти билан. Россия томонидан 1733 йилда Абулхайрхон билан бир вақтда қорақалпоқ хонига ҳам Россия қорақалпоқ халқини ҳам ўз хукмронлиги остига олишга таёрилиги тўғрисида ёрлиқ жўнатилади. Унда рус ҳукумати қорақалпоқларга Россия билан мустақил ва хавфсиз савдо қилишни таъминлашни ваъда қиладилар. Лекин бу гал ҳам қорақалпоқларни руслар билан яқинлашиши катта қийинчиликка дуч келади. Кўпгина бийлар рус хукмронлигини тан олишни истамайдилар ва қорақалпоқ задагонлари ўртасида келишмовчиликлар вужудга келади.

1740-1741 йилларда қорақалпоқлар яна Россиядан ўз хукмронлигига олишни сўрайдилар. 1742 йилда улар ўз элчиларини Петербургга жўнатдилар: Маман ботир бошчилигида Мамат ших, Мурат ших ва Пўлат ясовуллар 14 август куни императрица Елизавета Петровна билан учрашдилар. Лекин бу галги уриниш ҳам фойда бермади. 1743 йил қишда Абулхайр хоннинг қуйи қорақалпоқларнинг устига қилган хужуми бу галги уринишни ҳам чиппака чиқарди. Бу хужум оқибатида қорақалпоқ овуллари яксон қилинди. Каип хон Абулхайр хон устидан шикоят қилиб Оренбургга мурожат қилди. Лекин масофанинг узоқлиги туфайли руслар уларни химоя қилиш учун ҳеч нарса қилиша олмади. Бунинг устига бу хабар қорақалпоқлар тор-мор қилингандан кейингина маълум бўлган эди. Абулхайр хон ўзининг бу босқинчилигини қорақалпоқлар унга солиқ тўлашдан бош тортганлигини сабаб қилиб кўрсатди. Бу гал қорақалпоқлар ўз хўжаликларини қайта тиклай олмасдилар Россия билан алоқа узилган эди. Хоннинг навбатдаги хужумидан кўрққан қуйи қорақалпоқлар юқори қорақалпоқлар томонга ҳаракат қилдилар. Бир қисми эса

¹ Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. Ленинград, 1950, с.137

Жана дарё томонга ва Хоразмга кўчиб ўтдилар. 1748 йилда Абулхайр хонни Ўрта жуз султони Барак султон томонидан ўлдирилганидан кейин унинг ўғли Нурали рус ҳукумати томонидан хон қилиб танланди. Лекин Нуралини хукмронлигини Кичик жузда ҳамма тан олмади натижада Кичик жуз икки хонликка бўлиниб кетди. Кичик жуздаги бу ўзгариш қорақалпоқларнинг кейинги тақдирига таъсир қилди. Ботир султон Нуралидан ажралиб чиқди ва Россия хукмронлигини тан олмади. Рус ва бошқа карвонларни талади, қўшни халқлар устига хужумлар уюштирди кетма кет уюштирилган босқинчилик уришлари натижасида қорақалпоқ овуллари яксон бўлди.¹

XVIII асрни 60 йилларида қорақалпоқлар ўз ерларини ташлаб Хоразм тамонга кўчиб кетдилар бу кўчиш камбағаллик туфайли оғир бўлди, йўлда кўпчилик очликдан ўлиб кетди. Бу вакилларнинг гувоҳи бўлган Жиян-Жиравнинг ёзишича бу кўчиш айниқса камбағаллар учун жуда оғир бўлган. Бойлар томонидан уларга ҳеч қандай ёрдам бўлмаган. Йўлда очлик туфайли охирги чорвагача сўйиб гўштини еганлар. Туркистонда Хоразмгача бўлган йўл бегуноҳ одамларнинг ўлиги билан тўлиб кетган. Кўчишнинг саккиз кунидаяк очликдан 340 киши ўлган.

Тарихий вазият шуни тақозо қилдики, энди қозоқ хонлари ўрнига Хива хонлари бошчилигидаги ўзбек феодаллари келди. Яна тинч овулларга босқинчилик уришлари, одамларни асир олиб қул қилишлар бошланди.

Хива хони томонидан шимолий Хоразмнинг энг чеккасига жойлаштирилган қорақалпоқлар Амударё дельтасида ўзларининг хўжалик фаолиятини оч ялонғоч ҳолда, деҳқончилик учун яроқсиз бўлган, чўл ёки ботқоқликлардан иборат бўлган ерларда бошладилар. Солиқнинг оғирлигига, камбағалчиликка, оғир табиий шароитга қарамасдан қорақалпоқлар ўзларининг кўп асрлик тажрибаларидан фойдаланиб қисқа муддатда Хива хонлигида бир қанча деҳқончилик районларини барпо этдилар. Бу районлар кейинчалик Хива хонлигининг иқтисодий ривожланишида катта роль ўйнади.

¹ Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. Ленинград. 1950, с.142

Лекин Хива феодалларининг вахшиёна сиёсати бу халққа ўз меҳнатининг меvasидан баҳраманд бўлишларига имкон бермади.

Қорақалпоқ феодалларини турли йўллар билан ўзлари томонга оғдириб олган Хива хукмдорлари улар билан биргаликда халқни эксплуатация қилиш тизимини ишлаб чиқиб йўлга қўйдилар. Бу эса халқнинг норозилигини кучайтирди. XIX аср ўрталарида қорақалпоқларнинг иқтисоди хонликнинг туб аҳолисини иқтисодидан анча паст даражада эди.

XVIII асрнинг охири XIX асрнинг биринчи ярмида қорақалпоқларнинг Хива хонларининг зулмига қарши кураши шароитида Жиян-Жрав, Кунхожи, Бердах, Ажиниёз, Оташ каби шоирлар етишиб чиққан ва улар ўзларининг асарларида хонлар уларнинг хизматкорлари бўлган қорақалпоқ феодаллари ва дин пешволарини қоралаб, озодлик кураши қаҳрамонларини олқишлаб, шу билан бирга халқнинг ғам ташвишларини ёзиб уларни бирлашишга чақирганлар.¹

1825 йилда Муҳаммад Раҳимхоннинг ўлиmidан кейин унинг катта ўғли Аллақули хон бўлди. У ўзининг фаолиятини қўзғолон кўтарган Курдларга қарши юришдан бошлади. Курдларга текинлар ёрдам берганини билган Аллақули хон дастлаб уларга қарши уруш қилиб Марвни қўлга киритди. Хоннинг бу юриши қўзғолон бостирилганидан кейин ҳам тўхтамади. У укаси Раҳмонқул-иноқни Хуросон ва Машхадга юборди. Хива қўшини Машхад вилоятини қўлга киритиб Джам ва Имчан қалъаларини эгаллаганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиши билан Аллақули хон туркманларга қарши юриш бошлади. Катта миқдордаги асирларни Кўна Урганч яқинига жойлаштирди. Кейинчалик янги хоннинг юришлари янада каттароқ масштабга ёйилди. Бу эса хонликдаги меҳнаткашларни, айниқса қорақалпоқларни қашшоқлашишига ва норозиликларининг кучайишига олиб келди. Чунки улар Хива хонлигидаги бошқа халқлардан кўпроқ солиқларга тортилардилар.

¹ Ўзбекистон тарихи. Тошкент 2003, 238 б.

Қорақалпоқларнинг Хива хонларига қарши норозиликлари йилдан йилга кучайиб 1827 йилда чидаб бўлмас даражага етди. Шу йилнинг ёзида навбатдаги закот йиғиш даврида қорақалпоқлар солиқ йиғувчиларнинг зўравонлигига қарши бош кўтардилар. Қўзғолон Айдос-бий бошчилигидаги Кунғирот қорақалпоқлари томонидан қўллаб қувватланди. Солиқ йиғувчилар Хивага қуруқ қўл билан қайтишга мажбур бўлдилар. Бу вақтда Айдос-бий қўзғолончиларни бошида туриб, атрофига барча хайрихоҳ қорақалпоқларни йиғиб Жана-дарё бўйида Сари-ўтов деган жойда калъа қурди.¹

Бу ерда бир нарсага эътиборни қаратиш лозим: нима учун қўзғолонни бошқа эмас, айнан Айдос-бий бошқарди. Ахир у ўз сиёсий фаолиятини ўз халқининг манфаатларига хиёнат қилиб Хива хонининг содиқ кули сифатида бошлаган эди.

Огахийнинг хабар беришича Айдос бошчилик қилаётган қолдаули қорақалпоқлари Мухаммад Амин иноқ даврида Хива хукмронлигини қабул қилганлар. Иноқ уларга Кўк-ўзакдан Орол денгизигача бўлган жойларда жойлашиши учун розилик берган. Айдос қолдаули уруғининг ботири бўлган. Хива хукмронлигига ўтиши билан унга бий мансаби берилган. Мухаммад Амин иноқнинг қўллаб қувватлаши билан Айдос қорақалпоқ «улус»ининг хокими бўлган. Айдоснинг Хива хукмронлигига ўтиши бошиданок хоинликдан иборат бўлган. У қорақалпоқларни икки лагерга ажратган. Уларнинг кўпгина қисми «ўн тўрт уруғ» қабиласидан бўлиб, улар Жана-дарё бўйидаги ўз ерларининг мустақиллиги учун курашганлар. Қолганлари эса, Хива хукмронлиги остида ўз одамларига қарши ҳаракат қилишга мажбур бўлган Айдос бошчилигидаги қорақалпоқлар бўлиб, улар Хива хонларига хали уларнинг қўл остида бўлмаган қорақалпоқларга нисбатан агрессив сиёсатларини амалга оширишларида ёрдам берганлар.

¹ Самойлович А.Н. Сокращенный перевод отрывков из хивинских хроник XIX в. о хивинско-каракалпакских отношениях //МИКК-Москва-Ленинград, 1935, с.138

Мухаммад Рахимхон даврида Айдос хонликдаги барча қорақалпоқларнинг сардори бўлган ва у хонга орол ўзбеклари ва қорақалпоқлар билан бўлган курашда катта ёрдам берган.

Мухаммад Рахимхон қорақалпоқлар орасида Айдоснинг ҳукмронлигини кучайтириш керак деб ҳисоблаб, Ақ-яқиш қалъасини қуриб берди ва бу ерга атрофдаги элатларни йиғиб Айдосга қалъани топширди. Шунингдек бир неча йиллар давомида ўзининг қўшинини жўнатиб Айдосга химояда ёрдам бериб турди. Шундай қилиб, Айдос-қалъа Хива хонлигининг орол ўзбеклари ва жанадарёлик қорақалпоқлар билан бўлган урушларидаги асосий куч бўлган.

Хиванинг қўнғиротликлар билан бўлган урушларида уларнинг сардори Тўра-мурод сўфи ҳамда Айдоснинг оға-инилари Бегиш ва Мыржик қўнғиротликларга қўшилиб Айдоснинг лагерига душманлик муносабатида бўлганлар. 1810 йилда Айдоснинг буйруғи билан Аймурза-бий ва Берди-қашқа юзбоши 400 кишилик отряд билан Қўнғирот музофотида яшовчи қорақалпоқлар устига бостириб бордилар ҳамда Айдос-бийнинг акаси Бегиш ва бошқа кўпгина асирлар билан қайтдилар. Айдос акаси Бегишни ўлдириб Хивага хон саройига бориб «хизматига яраша» тақдирланди.¹

Бегишнинг ўлимидан кейин укаси Мыржик Ақ-яқишга қарши юриш қилади. Лекин бу ҳақда кейинчалик ҳеч қандай маълумотлар топилмаган. Айтишларича унинг ўлими Бегишнинг ўлган вақтига тўғри келади.

Қорақалпоқ халқи Айдоснинг ака укаларини хонга қарши курашган ботир сифатида қадрлашарди, Айдосдан эса хонга қарши курашган ака укаларини ўлдирганлиги учун нафратланишарди.

1810 йил декабрнинг охирларида 3000 кишилик Хива навкарлари Мухаммад Рахимхон бошчилигида жанадарёлик қорақалпоқлар устига бостириб келдилар. Бу юришда Айдос-бий, Кеченек-бий, Уринбай-бийлар турли хил алдов йўллари билан халқни Хивага қарам бўлишга қўндиришга

¹ Самойлович А.Н. Сокращенный перевод отрывков из хивинских хроник XIX в. о хивинско-каракалпакских отношениях //МИКК-Москва-Ленинград, 1935, с.148

ҳаракат қилдилар. Бу уринишлар натижасида қорақалпоқ бийларининг бир қисми Хива томонга ўтиб кетди. Натижада Жанадарёлик қорақалпоқлар икки қисмга ажралиб кетди. Энди химояланувчилар томонида 2500 оила қолди. Улар хоннинг 3 минг кишилик жангчиларига бас келолмасдилар. Шу сабабли бу курашни хонга бой бердилар.¹

Шу тарзда Айдос-бий Мухаммад Раҳимхонга кўп йиллик хизмати эвазига қандай қилиб бўлмасин барча қорақалпоқлар устидан ҳукмронликни ўз қўлига киритишни мақсад қилиб қўйган эди. Қандайдир даражада бунга эришди ҳам. Айдос-бий қорақалпоқлардан хон ғазнаси учун ўзи солиқ йиғарди, лекин солиқнинг тўртдан бир қисмини эмас, ярмини ўз фойдасига олиб қоларди. У барча қорақалпоқларнинг хони бўлишни истарди. Лекин унинг бу истаги қаршиликка учради.

Хива хонлари агар ундан фойда бўлса, у ёки бу бийга турли енгилликлар ва устунликлар бериши мумкин, лекин бу то у керак бўлмай қолгунича давом этарди, кейин эса эътибор кўпроқ фойдаси тегадиган бошқа феодалларга қаратиларди. Ўз авторитетини йўқотган феодаллар энди хонга душманлик позициясига ўтиб олардилар. Қўнғирот ўзбеклари, қорақалпоқлар ва қозоқларни бўйсундириб, узининг шимоли-шарқий чегараларини мустаҳкамлаб олгач, хон Айдоснинг ҳуқуқларини чеклаб қўя бошлади. 1820 йилда Айдоснинг ўзини қорақалпоқларнинг хони қилиш тўғрисидаги сўрови рад қилинди.²

1821-1822 йиллардаги Мухаммад Раҳимхоннинг Чорджоуга юриши даврида қорақалпоқ бийлари орасида Айдос-бийнинг номи учрамайди. Энди хоннинг ишончига мангитлардан Давлат-Назар-бий, кенегеслардан Қобил-бийлар кирган эдилар.

Айдос-бий ўзини Хива ҳукумати томонидан ҳақоратланган хис қилди. Ўз авторитетини қайта тиклай олмаслигига қўзи етгач, бошқа йўл билан бўлсада

¹ История Каракалпакской АССР с древнейших времен до наших дней. Ташкент:Фан, 1986, с.299

² Камалов С.К. Каракалпаки в XVIII-XIX веках. Ташкент, 1968, 179

ўз ниятига етишни кўзлади. Қорақалпоқларнинг Хива ҳукумати билан душманлик муносабатидан фойдаланиб, қорақалпоқларни Хивага қарши оёққа тургизиш, қўзғолонни бошқариб, Қўқон хонлигидан ёрдам сўраш ва шу тарзда Қўқон хони ёрдамида ўз ҳокимиятини қайтаришни ният қилиб, шу мақсадда 1827 йилги қўзғолонга бошчилик қилди. Айдос-бийда бошқа мақсад йўқ эди ва бўлиши мумкин ҳам эмас эди.

Айдос қўзғолонга тайёргарликни ўз вақтида бошлади. Чунки бу даврга келиб ким Айдоснинг тарафида, ким хон тарафида эканлиги маълум бўлиб қолганди. Хива солиқ йиғувчилари ктайлик Бек-Пўлат-бий ва қўнғиротлик Косберген-бийларнинг қарамоғидаги қорақалпоқлардан солиқ йиғиш учун келганларида қаттиқ қаршиликка учрайдилар ва бу ҳақда хон амалдорларига етказадилар. Мехрам солиқ йиғувчилар билан Хивага қайтаётиб, Чонкар-бийнинг овулига кирганда унинг ўғли Кобил-бий хотини ва болалари билан пешвоз чиқади, хурсандчилик билан уйига таклиф қилади ва мехмондорчиликдан сўнг худди аввалгидек хонга содиқ қолишини, агар Айдос-бий бу ерга келса аввал Қобил-бийни яксон қилиши кераклигини айтади. Мехрам унинг бу сўзларига ишониб шу ерда қолади ва ўзининг ишончли одамлари Бобо, Хўжамберди ва Эштойларни қўзғолон тўғрисидаги хабарни саройга етказиш учун юборади.¹

1827 йилнинг июл ойи бошларида Айдос-бий унга қўшилган бошқа бийлар ва катхудолар билан биргаликда халқни «Сари ўтов»га йиғадилар. Химоя учун қулай жой танлаб, атрофини аравалар, чот-чўплар билан ўраб оладилар. Ичкарида 2 минг хўжалик жойлашган эди. У ерда мустаҳкам ўрнашиб олгач, 1827 йил 29 июлда Айдос 300 отлик аскарни ўғиллари Ризо ва Тўра бошчилигида Қўнғиротга юборади. Лекин бу уриниш муваффақиятсизликка учрайди. Айдоснинг кўпгина жангчилари ўлдирилади, қолганлари эса денгиз томонга қочади, у ерда уларни Айдоснинг ўғли Ризо

¹ Камалов С.К. Қарақалпаки в XVIII-XIX веках. Ташкент, 1968, 180

баходир қўлга олиб ўлдиради. Айдоснинг иккинчи ўғли Тўра баходир асирга олиниб Хивага жўнатилади.

Маълумотларга қараганда «Ризо ва Тўра бошчилигидаги отряд Хиваликларни чалғитиб Қўнғирот томонга йўналтириш ва шу вақтда қўзғолончилар ўз қалъасини ташлаб Қўқон томонга кўчиши, юқоридаги отряд эса қўнғиротликларнинг от ва чорваларини қўлга киритиб Қўқон йўлида Айдосга қўшилишлари керак эди. Айдос ушбу отряд тор-мор қилинганини эшитса ҳам бунга ишонмасдан йўлдаги қудуқларни йўқ қилишга рухсат бермайди. Хатто Чирик-рабат деган жойда тўхтаб ўғилларини кутади. Лекин ўғилларининг ўрнига хиваликлар уларни қувиб етадилар.¹

Қўзғолонни бостириш учун Хива хони томонидан 27 июлда жазо отряди жўнатилади. 29 июлда бу отряд Хўжайли атрофида бўлиб, ҳақиқатдан ҳам Ризо ва Тўранинг қўнғиротга хужум қилган отряди томонидан чалғитилади. Жазоловчи отряд таркибида Хива туркман жангчиларидан ташқари Мулла-Давлат-Назар-бий бошчилигидаги мангитлик қорақалпоқлар ҳам бор эди. Айдоснинг отряди Қўнғирот яқинида тор-мор қилинганини эшитган Аллақули хон Муҳаммад Назар иноқ ва Муҳаммад Ризо қушбегиларга хабар жўнатади. Хўжайли атрофида жангчилари билан жойлашган қушбеги ва иноққа хон жангчиларини исёнчиларга қарши қаратишини, уларнинг бий ва катхудоларини ҳеч қандай ваъда ёки қасамларига ишонмасдан оёқ-қўлларини боғлаб саройга етказишларини, ўзлари эса душманларнинг содиқ одамларини топиб, қатл қилишлари, мол-мулк ва чорваларини мусодара қилишларини буюради.²

Айдоснинг одамлари билан Қўқон томонга ҳаракатланаётганликлари тўғрисидаги маълумот Хиваликларни қўзғолоннинг ўзидан кўра камроқ безовта қилмади. Чунки қўл остидаги юзлаган кишиларни бошқа хонликка ўтиб кетиш хавфи туғилган эди. Жазо отрядига имкони борича тезроқ

¹ Камалов С.К. Каракалпаки в XVIII-XIX веках. Ташкент, 1968, 181

² История Каракалпакской АССР с древнейших времен до наших дней. Т. I, Ташкент, 1974, с.135

қочоқларни қувиб етиб, уларни хонлик худудидан чиқиб кетишига йўл қўймаслик вазифаси топширилган эди.

Хива жангчилари Чирик-рабат яқинида Айдосни қувиб етдилар ва таслим бўлишни таклиф қиладилар, лекин Айдос бунга рози бўлмайди ва уруш бошланиб кетади. Хиваликлар қўзғолончилар лагерига бостириб кирадилар ва уларнинг бор-йўғини қўлга киритадилар; Айдосни асир олиб қатл қиладилар. Қўзғолончилардан фақат учтаси қочиб қутулиб қолади, хиваликлардан эса фақат икки киши халок бўлган. Хиванинг расмий хужжатларида ушбу жанг тўғрисида шундай маълумот ёзилган, лекин қорақалпоқ кексалари томонидан бу воқеа бошқача айтиб берилган: «Хиваликлар Айдосни қувиб етгач, унга хон мухри босилган хатни берадилар, бу хатда хон унинг қилмишларини кечириб, орқага қайтиб олдинги мавқеини эгаллашига рухсат беришини айтган. Бу хат қуръонга ёзилган бўлиб Айдос динга қаттиқ ишонганлиги сабабли ҳам унга ишонади ва одамларни қаршилик кўрсатишларига йўл қўймайди. Унинг ботирлари Орзи ва Одиллар хиваликлар билан курашишга рухсат сўрайдилар, хиваликлар кўп сонли бўлсаларда уларни енгишимиз мумкин деб ишонтиришга ҳаракат қиладилар, лекин Айдос рози бўлмайди.¹

Хиваликлар Айдос ўз ботирлари билан уларнинг лагерига келиб хонга итоаткорликка қассам ичишлари ва хоннинг уларга аталган совға саломларини қабул қилишлари учун лагерга таклиф қиладилар. Айдос ва унинг ботирлари лагерга қуролсиз келишлари, акс ҳолда уларнинг итоаткорлигига ишонмасликлари тўғрисида огоҳлантирилади.

Айдоснинг ботирлари уларга ишонмаслик, лагерга бормаслик, борган тақдирда ҳам қурол билан бориш кераклигини айтиб маслаҳат берадилар. Лекин Айдос «биз хонга ҳеч қандай ёмонлик қилганимиз йўқ, шунинг учун хиваликлар бизга ҳеч нарса қилмайдилар», деб ботирларига қуролларини ташлаб ўзининг орқасидан боришларини буюради. Айдос ва унинг ботирлари лагерга қуролсиз киришлари билан хиваликлар уларни ўраб оладилар ва яксон

¹ Материалы по истории каракалпаков. - Москва-Ленинград, 1935, с.131

қиладилар. Айдоснинг бошини танасидан жудо қиладилар. Айрим ботирлар қуролсиз бўлишларига қарамасдан бир нечта хиваликларни ўлдиришга улгурадилар. Чирик-рабатдаги бу воқеалардан кейин касаллиги сабабли Айдос билан лагерга кирмаган 3 ёки 4 ботирларигина тирик қолдилар.¹

Бизнинг фикримизча иккинчи маълумот ҳақиқатга яқин. Чунки биринчидан, воқеалар шундай бўлган тақдирда ҳам Хива тарихчилари бу ҳақиқатни ёзишмасди, чунки бу ҳақиқат хоннинг «ғолиб» қўшинини обрўсини пасайтирарди, иккинчидан, ҳужжатларда ёзилганидек жанг бўлганида, Хиваликлардан фақат икки киши ҳалок бўлиши мумкин эмас эди, учинчидан Айдос ўзининг енгилганини, хиваликлардан қочиб қутулишнинг иложи йўқлигига қўзи етгач, унга олдинги мавқеини қайтаришга ваъда қилинган хатга ишониб Хивага қайтишга қарор қилиши ҳақиқатга яқин, чунки қўзғолон кўтарган халқнинг тақдири уни ташвишлантормасди.

Қўзғолон бостирилгандан кейин Хива хони ўзининг жазоловчи жангларида қатнашган ҳарбий бошлиқларини тақдирлайди. Шу билан бирга исёнга қўшилмаган, унга итоаткорлигини сақлаган қорақалпоқ катталари ва бийларини ҳам сийлади.

1827-1855 йилларда Хива хонлигида учта хон алмашди. Уларнинг ҳукмронлиги даврида тинимсиз урушлар бўлиб турди. 1845-1855 йилларда Муҳаммад Аминхон ҳукмронлиги даврида биронта йил ҳам урушсиз ўтмади. Ҳарбий харажатлар эса халқдан зўравонлик йўли билан йиғилар эди. 1850 йилга келиб халқни талаш мислсиз даражага етди. Хива хонига қарам бўлган барча халқлар: ўзбеклар, қорақалпоқлар, туркманлар, қозоқларнинг барчаси ўзларининг мазлум аҳволини англай бошладилар. Бунга яна рус ўлкаларининг Хива чегарасига яқинлашуви ҳам сабаб бўлди. 1839 йилдаги муваффақиятсиз юришидан сўнг Чор ҳукумати Ўрта Осиёга юриш ҳаракатининг тактикасини ўзгартирди (қозоқ даштларида ҳарбий истехкомлар қурилиши), сўнгги ҳаракатларга режали тайёргарлик ишлари бошланди ва Хива, Бухоро ва Қўқон

¹ Материалы по истории каракалпаков. - Москва-Ленинград, 1935, с.132

хонлиги чегараларига тобора яқинлаша туриб, қозоқ даштларида мустаҳкам ҳарбий истехкомлар қуриш ишларини бошлаб юборди.¹

1847 йилда Раим истехкоми қурилди, Орол флотилияси тузилди. Унинг ёрдамида Ўрта Осиё хонликларига ҳужум қилишга тайёргарлик қўриш учун Сирдарё ва Амударё дельтаси ҳамда денгизни ўрганиш мақсадида тадқиқот ишлари бошланди. 1854 йилда Сирдарё линияси тузилди. Шу йилдан бошлаб, Россия ҳукумати ана шу линияни мустаҳкамлашга киришди. Рус чоризмининг Ўрта Осиёга кириш ҳаракати истилочилик мақсадларини кўзлаган бўлсада, қозоқларнинг Россия таркибига қўшилиши прогрессив аҳамиятга эга эди.

«XIX асрнинг биринчи ярмида Қозоғистоннинг кўпчилики қисмида Россия империяси таркибига киришига қарамасдан, орақсида Инглиз мустамлакачилари турган Ўрта Осиё хонликлари томонидан қозоқ халқини қул қилиш ҳавфи йўққа чиқмаган эди. Ўрта Жузнинг ғарбий қисми Қўқон хонлиги томонидан босиб олинган эди. Хива хонлиги Сирдарёнинг қуйи қисмини эгаллаб, Эмбагача бўлган қозоқ ерларига даво қилар эди. Сирдарё линиясини Руслар томонидан мустаҳкамланиши қозоқ халқини Ўрта Осиё хонликлари томонидан қул қилинишидан асраб қолди. Қозоқлар ҳудудларига босқинчилик юришлари тўхтаб қолди. 1841 йилда рус элчиси Хива хонига қуйидаги декларацияни топширди:

1. Қирғизлар орасида ўлпон(солиқ) йиғиш учун Сирдарёнинг шимолида пайдо бўлган ҳар қандай Хива фуқароси ўлдирилади.
2. Қозоқ овулларига уларнинг тинчлигини бузиш мақсадида келган ҳар қандай Хива фуқароси ушлаб олинадиган ва ўлдирилади.
3. Барсуқ қумликларида, Эмба дарёсида, денгиз бўйида, Қойқўноқди масканида, Қорасув кўрфазида, Чинкнинг(Устьюрт) шимолий қисмида кўчиб юрган Қирғизлардан ўлпон йиғиш учун келган Хива фуқароси тинчликни бузувчи сифатида ўлимга маҳкум этилади».²

¹ Материалы и исследования по этнографии каракалпаков. Под редакцией Т.А. Жданко. Москва 1958, с.174

² Шу асар 175 б.

Эндиликда Хива хонлиги ҳудудида яшаётган қозоқ ва қорақалпоқларга қараганда Сирдарё линиясидаги қозоқлар хотиржамроқ яшай бошладилар. Сирдарё линияси яқинида яшаётган қозоқлар XIX аср ярмида бу ерга кўчиб келган руслар билан жипслашиб яшай бошладилар. Қозоқларнинг иқтисоди ва маданиятида ўзгаришлар рўй бера бошлади. 1822 йилнинг 22 августида Сирдарё линиясида қирғизлар учун «биринчи тузем мактаби» очилди. Рус ҳукумати қозоқ феодалларига қўшни хонликлардан асир қилиб ёки сотиб олинган тутқунларни, яъни, қулларни сақлашни тақиқлаб қўйди. Ана шунга кўра 1852 йилда Оренбург чегара комиссияси Кичик Жуз ва Бўка ўрдаси овулларига эълон юборди. Унда «қозоқлар раҳбариятга ўзларида қулга айланиб қолган асирларни топшириш ва бундан буён ҳеч қандай кўринишда тутқунларни ушлаб турмаслик ва олмаслик, агар ўрдаликлардан бирон бир кишида тутқун борлиги аниқланса, 150 рубльгача жарима ёки олти ойгача қамоқ жазосига ёки асирликка олиш билан боғлиқ ҳолатларни аҳамиятига қараб бутун мол - мулкидан маҳрум қилиш жазоси ва Сибирга сургун қилиш жазolari қўлланади» деб айтилган. Фақатгина 1852 йилнинг ўзида Сирдарё линияси ва Бўка ўрдасида қуйидаги миқдорда тутқунлар озод қилинган: Форслар 22, Бухороликлар 3, Хиваликлар 1, Туркманлар 7, Қорақалпоқлар 2, Афғонлар 107, Ўзбеклар 32, уруғини эслай олмайдиганлар 28 ва бир Хинд. Уларнинг барчаси қуллиқдан холос этилди. Кўпчилиги ватанига қайтди. Баъзилари ўз ихтиёрига кўра рус ҳудуди бўлган Сирдарё линиясида қолди.¹

Сирдарё линиясида истиқомат қилаётган қозоқлар ҳаётининг яхши томонга ўзгариши борасидаги рус маъмуриятининг ишлари ҳақида қўшни хонликларда яшаётган халқларнинг билмаслиги мумкин эмас эди. Хива хонига тобе халқлар ўз аҳволини Сирдарё линияси қозоқлари ҳаёти билан қиёслашарди ва ўз ночорликлари сабабини яхшироқ англай бошладилар. Улар ўзларини бутунлай хонавайрон бўлиб қолишидан фақат Россия ҳимоя қила олишини тушундилар ва унинг фуқароси бўлишга ҳаракат қилар эдилар.

¹ Материалы и исследования по этнографии каракалпаков. Под редакцией Т.А. Жданко. Москва 1958, с.176

«Хива ҳукуматининг шафқатсизлиги ва ҳийлаларидан қирғиз, қорақалпоқ ва туркманлар бутунлай норози эдилар - деб ёзади Оренбург чегара комиссияси 1844 йилдаги ҳисоботида - хаттоки кўпгина Хиваликлар агарда руслар қўл остига ўтишса, хотиржам ўлим топишини, яъни, ўз ўлими билан ўлишини айтдилар». Русларнинг Хива чегараларига яқинлашуви Хиваликларга Хива истибдодидан холос бўлиш умидини берарди. Улар русларнинг Хивани эгаллашини ва шунда бир умрга Қорақалпоқлар Хива ҳукумронлигидан озод бўлишини кун сайин кутишар эди. Қорақалпоқларнинг бундай кайфияти кўпгина архив ҳужжатларда акс этади. Масалан, уларнинг бирида « қуйи Сирдарё ва Орол денгизида Хиваликлар қўл остида яшаётган Қорақалпоқлар ўртасида гўёки Амударё ва денгиз бўйлаб русларнинг ҳар бирида элликтадан киши бўлган ўнта кемаси Хивага юриш қилади. Бундан олдин руслар Амударё этагида қалъа қурмоқчилар ва шундан сўнг Хивага қарши ҳарбий ҳаракатлар бошламоқчи» деган миш - мишлар тарқалган. «Қорақалпоқлар Хива хонини ёмон кўришади - деб гапирган рус аскарлари - ва хон ҳам уларни аямайди. Уруш ҳолатида улардан минглаб ва ундан кўп кишини олишади ва жуда кам ҳақ тўлашади. Улар биз томондан даштга кўчишга бажонидил рози, аммо, хондан кўрқишади ва жуда ночор, қўзғалишга эса ҳеч нарсаси йўқ».¹

Русларнинг Хива чегараларига яқинлашуви ва қорақалпоқ, қозоқ, туркманларнинг рус фуқаролигига интилиши Хива ҳукуматини қаттиқ безовта қилиб қўйди. Бу инглиз империалистларини ҳам безовта қилар эди. Англия Хива, Бухоро, Қўқонга Россияга қарши коалицияни бирлаштириш, унинг сиёсий таъсирига, Россия маҳсулотларини бу шаҳарларга кириб келишига тўсқинлик қилиш мақсадида ўз агентларини юборар эди.

Қорақалпоқлар орасида XIX асрнинг 50 йилларида Хивага нисбатан норозилик кайфияти айниқса кучли бўлди. Турли урушлар уларнинг хўжаликларини хонавайрон қилди. Доимий равишда улардан хонлик қўшини учун навкар олиш натижасида ишчи кучи камайиб кетди. Экин майдонлари

¹ Материалы и исследования по этнографии каракалпаков. Под редакцией Т.А. Жданко. Москва 1958, с.177

камайиб борар эди. Кўпгина каналлар куриб қолди. Гуллаётган далалар сувсизликдан куриб қолди. Кўплаб қорақалпоқ оилалари ерсиз қолди. Улар яшаш имкониятлардан маҳрум бўлиб оч - наҳор қолардилар. Шунга қарамасдан хон ўрнатилган солиқ миқдорини камайтирмади, аксинча, урушлар сабабли қўшимча солиқлар қўшиларди.

Қорақалпоқларнинг қўзғолонига келиб Хива хонлигидаги ички сиёсий вазият анча мураккаблашиб қолди. Айниқса бу ҳол Муҳаммад Аминхоннинг амакиваччаси Тангриқулнинг рақиби Абдуллох тор - мор қилинган лашкар томонидан сайланганидан сўнг авжига чиқди. Абдуллохнинг ўз рақибларини шафқатсиз жазолаши марҳум хоннинг укаси Саид Муҳаммаднинг унга қарши чиқишига сабаб бўлди.

Қўзғолончилар Хива хонлигининг бир қанча шаҳарларини эгалладилар. Абдуллох қўзғолончиларни йўқ қилишга уринади, бироқ ўзи ўлдирилади. 1855 йилнинг 3 сентябрида ёвмутлар томонидан ўлдирилган Абдуллохнинг ўрнига Хива тахтига Қутлуғ Муродхон ўтиради. Манбаларда айтилишича, янги хоннинг дастлабки ишларидан бири қозоқ адоёларини туркманларга қарши қуролли чиқишга чақируви бўлди. Шундай қилиб, бир ҳалқни иккинчисига қарши гиж - гижлаб қўзғолонни бостиришни ният қилган эди. Туркманлар эса, Қутлуғ Муродхонни тан олмасдан ўзларига бошқа бир хон Отамуродни сайлашди. Отамурод ёвмут туркманларини тинч йўл билан бўйсундириш мақсадида уларга Ибодулла Эшонни жўнатади. Шу вақтнинг ўзида хон Марвдан Такаликларни ва қисман бошқа қабила туркманларини қўзғолонни бостириш учун чақиради. Яна шу мақсадда 1855 йилнинг ноябрида ёвмутларга қарши Хивадан таркиби қорақалпоқ ва орол ўзбекларидан ташкил топган ҳарбий қўшин жўнатилади. Ушбу қўшин Кўхна Урганчга йўл олаётган бир пайтда ўз ҳудудида қолган Қорақалпоқлар орасида қўзғолон кўтарилгани тўғрисида хабар тарқалди. Хива йилномалари ва ҳалқ ривоятларига кўра қўзғолончи қорақалпоқларни Қўнғиротлик Эрназарбий (лақаби Олакўз)

бошқарди. Хива сарой тарихчиларининг фикрича «ушбу бий ўзининг тентаклиги ва ярамаслиги сабабли, қўзғолонга бош бўлди».

Эрназар ўз акаси Айдос томонидан Хива хонига қарши бўлганлиги учун ўлдирилган Миржикнинг ўғли эди.¹

Отаси ўлганида Эрназар 4 ёшда эди. Эрининг ўлиmidан сўнг онаси ота - онасиникида яшай бошлайди ва ўғлини Хива хонига душманлик руҳида тарбиялайди. «Сени отангни ўлдирган Айдос Хива хонининг кули эди, сен эса Хива хонидан отанг учун қасос олишинг керак» деб уқтирар эди. Эрназар ёшлигида жуда кучли бўлган. Бир куни полвонлар баҳсида у Хивалик полвонни даст кўтариб хоннинг оёғи остига ташлайди. Хон ғазабланади ва Эрназарни зиндонга ташлайди. Тез орада Хивага туркман полвонлари келишади ва барча полвонларни енгишади. Ана шунда Эрназарни эслаб қолишади ва озод қилишади. Эрназар барча туркман полвонларини енгади. Анча сарсонгарчиликлардан сўнг у Хивада бий унвонини олишга эришади ва хонга бўйсунмай қўяди. Хива солиқчилар тўплаган пулларни олиб қўйиб уларни халққа тарқатади. Хива хони ўлимга ва бошқа жазоларга маҳкум қилган кишиларни озод этади. Хон уни чақириб олиб 5 йилга зиндонга ташлайди. Қамокдан озод этгач уни ўз томонига оғдириш учун саройда сақлайди ва ҳеч қандай натижага эриша олмайди. Хон Эрназарни қаерга юбормасин, у хонга қарши ҳаракат қилар эди. Шунинг учун хон ундан бий унвонини олиб қўяди, бироқ Эрназар халқ орасида обрўга эга бўлиб қолаверади ва бошқа Қорақалпоқ бийларидан кам бўлмаган ҳокимиятга эга эди. Халқнинг аҳволи жуда ёмонлашиб йилдан - йилга дон камайиб қолганида хон солиқларни яна оширади. Эрназар халқдан солиқ тўламасликларини, бўйсунмаганларни хон барибир ҳеч нима қила олмаслигини айтади. Бундан ҳабар топган хон уни яна Хивага чақириб олиб, қатл этмоқчи бўлганида Эрназар қочиб кетади. Хивадан қайтгач, барча Қорақалпоқ бийларини тўплайди (уларнинг сони 60 та бўлган). Улар Эрназар бошчилигида Хива

¹ Камалов С.К. Каракалпаки в XVIII-XIX веках. Ташкент, 1968, с.197

хонига қарши қўзғалишга келишиб оладилар ва битта олмани 60 бўлакка бўлиб ейдилар ва қасамёд қиладилар.¹

Эрназарнинг таъсири остида қўзғолончи қорақалпоқ ва туркман қабилалари Хива хонига қарши Зорлиқ тўрани хон қилиб сайлашади ва у орқали ўз режаларини амалга оширмоқчи бўладилар.

Қутлуғ-Муродхон 1855 йилнинг декабрида қўзғолонни бостириш учун Ёқуб махрам ва Худойберган бошчилигида ўзбек ва туркманлардан иборат янги қўшин юборади. Хиванинг жазо отряди қорақалпоқлар худудига келгач аҳолини талай бошлайди. Қўчқор ота мазори бўйидаги қорақалпоқлар бутунлай таланади. Бутун аҳоли ўтроқ ерларини ташлаб тарқаб кетади. Хива қўшини қўплаб аёллар ва болаларни, қорамолларни ва бошқа мол-мулкларни олиб, 1855 йилнинг декабри охирида Хивага қайтишади ва хон томонидан тақдирланади. Бироқ бу жазо қўшини ҳам қўзғолонни бутунлай бартараф эта олмайди. Эндиликда қорақалпоқлар қўзғолончи ёвмутлар билан бирлашадилар. Қорақалпоқ ва туркманларнинг бундай бирлашуви Хива ҳукуматининг аҳолини қийинлаштириб қўяди ва декабрнинг ўртасида Хива қўшинлари Хўжайлини ташлаб кетишга мажбур бўлади.

1856 йилнинг январь ойи бошида қўзғолончи туркман ва қорақалпоқларга Хоразмнинг шимолий қисмидаги барча ўзбек ва қозоқлар қўшилади. Қўнғирот ҳокими қозоқ Ботирхон Жонғози Турин бўлади. Қўзғолончиларнинг маркази Чимбойдан 30 км узоқликдаги Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Жонибозор деган жой бўлди.²

Хива хони Қутлуғ-Муродхон энг аввало туркманларни жазолаш учун қўшин йиға бошлайди. Ана шу тайёргарликлар вақтида у амакиваччаси Муҳаммадниёз томонидан ўлдирилади. Абдуллахоннинг ёвмутлар билан уруши вақтида Муҳаммадниёз туркманлар томонидан асир олинган эди. Хон урушга тайёргарлик кўраётган вақтда Муҳаммадниёз 2000 нафар туркманлар

¹ Камалов С.К. Каракалпаки в XVIII-XIX веках. Ташкент, 1968, с.198

² Материалы и исследования по этнографии каракалпаков. Под редакцией Т.А. Жданко. Москва 1958, с.185

билан Хивага бостириб кириб саройни эгаллайди ва ҳокимиятни эгаллайди. Марҳум хоннинг сиёсатини Сайидмухаммадхон давом эттира бошлайди. У қўзғолонни бостириш учун қўшин йиға бошлайди ва юриш бошлашдан олдин улар томонга таниқли ва обрўли Хубби эшонни мурожаат билан жўнатади.¹

1856 йилнинг 29 мартада Сайидмухаммадхон ўн тўрт уруғ бийларини кенегас Эрназар бошчилигида тўплайди ва унга ўз қўшинини қўшиб қорақалпоқлар исёнини бостиришга жўнатади. Қорақалпоқлар бу вақтга келиб икки лагерга ажралган бўлса ҳам, уруғ ва қабилалар ўртасида исёнчиларга ҳамдардлик шунчалик кучли эдики, Хива қўшинлари сардори Муҳаммадниёз Амударёни кечиб ўтганидан сўнг исёнчилар марказига кириб боришга журъат этолмайди. У қўшинининг бир қисмини Эрназар кенегас ихтиёрига топширди ва ўзи қолган қўшин билан Эрназарнинг қалъаси томонга секинлик билан юра бошлади. У хар бир бекатда тўхтади ва Чимбойга майнинг охирида етиб келади. Афтидан унинг келишидан олдин ўн тўрт уруғ беклари ўз халқи орасида тартиб ўрнатиб қалъага хужум қилиш учун замин яратади. Ўн тўрт уруғ бийлари Эрназарга хурматли кишиларни жўнатадилар. Улар Эрназарга итоат, бўйсунуш, хонга биргаликда хизмат қилишни маслаҳат берадилар. «Исёнчи-деб ёзади хивалик тарихчи, - уларни тингламади, қайсарлик, итоатсизлик чодирини ёпинди. Эрназарни қалъасига қўзғолончиларни тинчлантириш учун келган Қорақум эшон бошчилигидаги элчилар Эрназарга дедилар: «Агар хиваликлар билан жанг қилиб уларни ўлдирсанг кофир бўласан, агар уларнинг қўлида ўлсанг ҳам кофир бўласан, яхшиси курашни тўхтат ва хиваликларга таслим бўл».² Бироқ Эрназар рад жавобини берди ва эшонларни хайдаб юборди. Бердақ ўзининг «Эрназар бий» достонида қўзғолончиларнинг бошлиқлари ўртасидаги ихтилоф сабабларини тўғри ва ифодали тасвирлайди.

¹ Камалов С.К. Каракалпаки в XVIII-XIX веках. Ташкент, 1968, с.211

² Материалы по истории каракалпаков. - Москва-Ленинград, 1935, с.238.

Чимбойга етиб келгач Махмудниёз ясовулбоши Хива қўшинининг асосий қисми билан Эрназар Олакўз қалъасига хужум бошлайди. Афтидан биргина Хива қўшинига қалъани эгаллаш қийин бўлган. 8 июнда Махмудниёзга Қутлимурод бошлиқ кўп сонли Орол қўшинлари ёрдамга келади ва улар биргаликда қалъани қуршовга оладилар. 1856 йилнинг 12 июнида Эрназар Олакўз ўлдирилади ва қалъа хиваликлар томонидан ишғол қилинади. Эрназар Олакўзнинг ўлдирилиши тўғрисида иккита қарама қарши тахмин мавжуд: биринчиси, Хива саройининг тарихий ёзувларида, иккинчиси қорақалпоқларнинг ривоятларида.

Хива тарихчиси шундай ёзади: «Ўзларининг чорасиз қолганини, душман кучларининг устунлигини англаган қуршовдагилар ўзларининг жонини ва мол-мулкни сақлаб қолиш ниятида Эрназардан итоат этишни ва ўзларининг қилмишлари учун кечирим сўрашни, шафқат истаб ва қон тўкилишини олдини олиш учун қалъа қалитини ясовулбошига топширишни сўрайдилар. Эрназар эса қайсарлик қилади ва халқни ёлғон сўзлар билан тинчлантира бошлайди. Одамлар унинг итоат этмаслигини, уларнинг гапларига кулоқ солмаслигини тушундилар. Шунда улар ясовулбошига одам юбориб, агар ўзларининг ҳаёти ва мол-мулкларини сақлаб қолишга ваъда беришса Эрназарни ўзлари ўлдиришларини таклиф қиладилар. Ясовулбоши уларга шафқат қилиб мол-мулкларини сақлаб қолишга ваъда беради. Шундан сўнг улар хотиржам бўлиб, ўйлаган ишларини амалга ошириш вақтини кутиб турдилар. 12 июнь куни улар Эрназарни отиб ўлдирдилар».¹

Бу воқеа халқ орасида қуйидагича ёритилади: «Хива қўшинлари Қўнғирот ўзбеклари билан биргаликда қалъани ҳафта давомида ўраб турдилар. Бироқ уни қўлга киритолмадилар - деб ҳикоя қилади Раим Аюезов - қалъага ўз жосусини юборишга қарор қиладилар. Улар Эрназарнинг узоқ қариндошлари бўлган Желеке ва Шўнқирни уни ўлдиришга кўндирадилар. Бунинг учун уларга бек унвони ваъда қилинади. Одатда Эрназар ўз қўшинини тунда кўздан

¹ Материалы по истории каракалпаков. - Москва-Ленинград, 1935, с.138

кечириб чиқар эди. Икки жосус Эрназар ўтадиган йўлда пайдо бўлдилар. Эрназар ўтаётган вақтда Шўнқир унинг орқасидан ўқ узади. Желеке отишга журъат эта олмайди. Эрназар қаттиқ ярадор бўлиб йиқилади ва ўз ўтовигача эмаклаб бориб жон таслим қилади. Ўз овозини эшитган хиваликлар қалъага бостириб кирадилар ва аллақачон оламдан ўтган Эрназарни бошини танасидан жудо қиладилар.¹

Шундай қилиб, 1855 йилнинг ноябрь ойи охирида бошланган кўзғолон қорақалпоқ бийлари, мулла ва эшонларнинг хоинлиги оқибатида 1856 йилнинг июнь ойи ўртасида Сайидмухаммадхон томонидан бутунлай бостирилди.

Хива тарихчиси шундай ёзади: «Ўзи билан Эрназарнинг хотинлари, болалари, мол-мулки ва унга тегишли бўлган бошқа нарсаларни олиб олган ясовулбоши бийлар, юзбошилар ва бошқа амалдорлар хамрохлигида Хивага жўнайди.» Эрназарнинг тўнғич ўғли Кўжаке ва укаси Искандар Хивада осиб ўлдирилади. Унинг 8 ойлик кичик ўғли Мамбетназарни кўзғолончилар хиваликлардан яшириб қоладилар. Хиваликлар бундан хабар топиб, уни олиб кетмоқчи бўладилар. Аммо қорақалпоқлар уни қиз болага ўхшатиб кийинтирадилар ва қиз бола хонга ҳеч нарса қила олмайди дейдилар. Хон Эрназарнинг хотинини кўзғолонни бостиришда қатнашган Қолдаули уруғи бийига инъом этади. Эрназарнинг онаси Кумарни Хива қамоқхонасида сақлашади. Бутун қорақалпоқларнинг илтимосига кўра бир йилдан кейин қамоқдан озод қилиб ватанига қайтарадилар. 1855-1856 йиллар Хива хонлиги учун қанчалик оғир кунлар бўлишига қарамай, кўзғолонни бостириш Хива хонлиги учун шунчалик муҳим эдики, Сайидмухаммад хон жазо отряди учун 1922 тилло мукофотни аяб ўтирмади.²

Қорақалпоқлар кўзғолони бостирилгандан кейин 1856 йил июль ойида бошланган кучли очарчилик туфайли шу йилнинг феввалида бостирилган ёвмутларнинг кўзғолони яна лов этиб ёнди. Сайид Мухаммадхон қандай қилиб

¹ Камалов С.К. Каракалпаки в XVIII-XIX веках. Ташкент, 1968, с.219

² Шу асар 220-221 б.

бўлмасин, кўзғолончиларни бўйсундиришга ҳаракат қиларди. Бунинг учун у бутун Хива аҳолисини жалб этди. Қўшин содиқ така туркман ва қорақалпоқ бийлари ёрдамида йиғиларди. Қорақалпоқ қўшинлари бошида манғит уруғидан бўлган Қобил бий ва Сойипназар бий (қорақалпоқлар кўзғолонини бостиришда 50 тилло олган) турардилар. Июль ойининг бошидан Хива қўшинлари ёвмутларга қарши мунтазам ҳарбий ҳаракатларни бошладилар. Бироқ буларнинг барчаси натижасиз эди, ёвмутлар бутунлай забт этилмасдан қолардилар.

Хонлик аҳолисининг аҳволи кундан кунга оғирлашиб борар эди. Дехқонларнинг урушга кетганлиги сабабли далалар экилмасдан ва ишланмасдан қолди. 1857 йилнинг ёзида Хивада вабо тарқалди. Афтидан бу очлик ва мадорсизлик оқибати эди. Айниқса болалар ўртасидаги ўлим кенг тарқалган эди.¹

Хонлик аҳолисининг бир қисми Россия фуқаролигига ўтишга ҳаракат қила бошладилар, бу эса Хива ҳукуматини қаттиқ безовта қила бошлади. Бироқ хоннинг русларни таъсирига қарши курашишининг эскича усули - диний ташвиқот - ҳеч қандай натижа бермай қолди. Урушлардан вайрон бўлган, қимматчилик ва очликдан қийналган хонликнинг меҳнаткаш халқи мулла, эшон, охунларнинг панд насихатларига эътибор бермай қўйди. Хонликда тартиб ўрнатиш, халқнинг Россияга қўшилиш хавфини йўқотиш учун Сайид Мухаммадхон қуйидаги чорани ўйлаб топди. У рус ҳукумати билан муносабат ўрнатиб уларни Хива хонлиги фуқароларини қабул қилмасликка кўндирмоқчи бўлади. Шу мақсадда 1857 йилнинг ёзида Россияга элчи юборди. Шу билан бирга туркманларни тинчлантиришга киришди. 1858 йил март ойининг бошида ёвмут кўзғолончиларнинг бир қисмини

¹ История Каракалпакской АССР с древнейших времен до наших дней. Т. I, Ташкент, 1974, с.145

бўйсундирди. Қолган туркманлар билан эса 1858 йил мартда ўзаро хужум қилмаслик ҳақида тинчлик шартномаси тузилди.¹

1858 йилнинг августида Хивага рус элчилари келганда хон уларни хушламай қарши олди. Рус элчиси Хива хони билан битимга эриша олмади ва сентябрда Хивани тарк этди. Чунки хоннинг Россия билан яқинлашувидан мақсади хонликда тартиб ўрнатиш бўлиб эндиликда тартиб ўрнатилгандан кейин Россиянинг ёрдамидан воз кечди. Хива хонининг бу ҳаракатларидан аҳолининг норозилиги яна кундан кунга кучая борди. Айрим беклар бундан фойдаланишга ҳаракат қилардилар, айниқса Мухаммад пано ва Қулмонбеклар. Қўнғирот ерларининг бошқарувчилари Қутлимурот ва Мамат ясавулбошилар ўзбек, қорақалпоқ ва қирғиз (қозоқ)лар томонидан хоннинг ва ўзларининг фойдаси учун солиқлар йиғишда шафқатсизлик, очкўзлик қилишлари натижасида халқнинг нафратига учрадилар. Мухаммад пано халқнинг Қутлимуродга нисбатан нафратидан фойдаланиб уни ўлдирмоқчи булди. Кейинчалик у Қўнғиротни Хивадан ажратиб, мустақил хонлик яратиш ва унга ўзи хон бўлишни ният қилган эди. Унинг бу ишини ўзбек беки Қулмон қўллаб қувватлади.

1858 йилнинг ёзида Игнатъев элчихонаси Хивада эканлигида Қутлимуродни ўлдириш ва Хивадан ажралиш мақсадида фитна уюштирилди. Фитначилар Қўнғирот хони этиб сўфи, тўралар авлодининг энг каттаси сифатида Мухаммад Панони (Мухаммад Пано Қутлимурод хоннинг отаси Мухаммад Рахимхон даврида 1811 йилда ўлдирилган Қўнғиротликларни сардори Тўра Мурод сўфининг ўғли эди) қўймоқчи бўлдилар. Ушбу фитна ноқулай вақтда содир қилинди. Хива хонининг рус элчиси билан музокараларидан ўзларининг аҳволини яхшиланишига умид қилган халқ фитначиларни қўллаб-қувватламади. Кузга келиб Хивадан элчиларнинг жўнаб кетиши билан Қўнғирот ўзбеклари ва қорақалпоқлар Отамуродхоннинг

¹ Камалов С.К. Каракалпаки в XVIII-XIX веках. Ташкент, 1968,с.229

хукуматини тан олган ёвмут туркманлари билан қўшилдилар ва ўз хукмдори Қутлимуродни тарафдорлари билан ўлдирдилар.

Қутлимурот ўлдирилганидан кейин тез орада Қўнғиротга Мухаммад Пано хокимиятининг кучайишидан манфаатдор бўлган 25 нафар обрўли туркман оқсоқол ва ботирлари келишади. Улар Мухаммад панони хон қилиб, ўз хокимиятларини мустахкамладилар. Аста секинлик билан туркман бойлари ўзбошимчалик қилиб Мухаммад панога бўйсунган козоқларни кўпроқ ранжита бошладилар. Уларнинг бу зулми аҳолининг Мухаммад Панога нисбатан норозиликни вужудга келтирди. Бундан фойдаланган Қутлимуротнинг қариндошлари Мухаммад панога қарши фитна уюштира бошладилар. Бирок фитна фош этилди ва фитначилар дорга осилди. Мухаммад пано эса ўз тарафдорлари бўлган туркман бойлари билан янада яқин муносабатларда бўла бошлади. Унинг туркманлар билан алоқаси ва ўз халқига бўлган ишончсизлиги кенг халқ оммасининг унга нисбатан норозилик кайфиятида бўлишига олиб келди.¹

Мухаммад Пано 1859 йилнинг мартада ўзининг ишончли одамини мактуб билан Оренбургга жўнатди. Айни вақтда туркманлар ҳам элчилар жўнатган эди. Улар ўзлари билан Отамуротхон ва унинг «хурматли» кишилари номидан Оренбург генерал губернатори ва подполковник Тяукин номига 3 та хат келтиришди.

Мухаммад Пано ва Отамуротхон элчилари Оренбургда илиқ кутиб олинди. Рус хукуматидан ижобий жавобларни олгач улар орқага қайтдилар. Русларнинг Қўнғиротга келиши тўғрисидаги хабар барча хонлик аҳолисини жонлантириб юборди. Айниқса кулликдаги одамлар русларнинг Қўнғиротга келишидан алохида хурсанд бўлдилар ва бу ерга қочиб кела бошладилар. Шу вақтларда қорақалпоқларда «Қул қочса Қўнғиротда топилади» деган мақол пайдо бўлди.²

¹ Камалов С.К. Каракалпаки в XVIII-XIX веках. Ташкент, 1968, с.233

² Шу асар 244 б

1859 йилнинг 24 июнида Бутаков бошчилигида руслар баржаларда Қўнғиротга келдилар. Русларнинг келиши меҳнаткашлар учун байрамга айланди. Ўтовлари Хива хонининг ядроларидан вайрон бўлган аҳоли русларнинг келиши ваҳшийлик ва талончиликлардан халос бўлишларига ёрдам беришидан умид қилишарди.

Руслар келишлари билан қўнғиротликлар ва туркманларни Россия фукаролигига ўтказиш учун музокаралар олиб бордилар. Мухаммад Пано ва туркман бойлари тўғри келмайдиган талаблар қўйдилар. Масалан, руслар унга Хивани забт этиш ва Хива хони бўлишида, туркман бойлари эса Қипчоқ ва Хўжайли шаҳарларини ишғол қилиб, уларга душман бўлган човдир ва гўклан қабилаларини талон тарож этишда ёрдам кўрсатишни сўрадилар. Аммо бу таклифларига рад жавоби олгач руслар билан душманлик кайфияти ҳукмронлик қила бошлади. 300 кишидан иборат туркман бойларининг қўшини рус харбий қисмларига 3 марта хужум қилишга уриндилар. Бироқ уларнинг хужумини қайтаришга русларнинг тайёр эканликлари ва замбараклар ўқидан қўрққан беклар 4 минг кишилиқ мадад кучлари билан келаётган Отамуротхонни кутишга қарор қилдилар.¹

1859 йилнинг 30 июнида Бутаков Мухаммад Пано хонга агар у 1 июл тонгида русларнинг талабларига ижобий жавоб бермаса, асирликдаги қорақалпоқ ва қозоқларни қўйиб юбормаса рус флотилияси Қўнғиротни ташлаб кетиши тўғрисида кескин талаб қўйди. Жавоб бўлмагач руслар Қўнғиротни ташлаб кетишга мажбур бўлдилар. Июл ўртасида рус флотилияси аллақачон Сирдарё этагига келган эди.

Руслар кетганидан кейин июлнинг бошида кўп сонли лашкар билан Отамуротхон Қўнғиротга келди. Русларнинг йўқлигини, вайрон бўлган Қўнғиротдан ҳеч қандай наф йўқлигини билгач 50 та отлиқни қолдириб орқасига қайтиб кетди. Тез орада Хива хони билан ҳамкорликда Мухаммад панога суиқасд уюштирилди ва ўлдирилди. Қўнғирот ерларини бошқариш

¹ Камалов С.К. Каракалпаки в XVIII-XIX веках. Ташкент, 1968, с.255

учун хон Матмурот бийни юборди. Августнинг бошида Қўнғирот яна Хивага қўшиб олинди.¹

1855-1856 ва 1858-1859 йиллардаги қорақалпоқлар қўзғолони бостирилгандан кейин Хива хони бир қатор сиёсий ислохотлар ўтказишига тўғри келди. Қўзғолонда кенг халқ оммасининг ва айниқса уруғ оқсоқолларининг иштирок этиши уни энг аввало қорақалпоқларни бошқарувини марказлаштиришга мажбур қилди. Хива йилномаларида ёзилишича, айниқса Хива хони архивида, XIX аср ўрталаригача қорақалпоқларнинг маъмурий тузилиши ҳақида маълумот берувчи 49-дафтарга кўра бий лавозими энг олий мансаб бўлган. Ҳар бир қорақалпоқ бийи ўз уруғи номидан бевосита хонга мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлган ва ўзини бошқа бийлардан мустақил деб ҳисоблаган. Бундай тизим қорақалпоқларни бошқаришни қийинлаштирар эди. Унинг айниқса марказий Хива учун ноафзаллигини такидлаш жоиз, бу қўзғолон пайтида намоён бўлди. 1859 йилдан бошлаб қорақалпоқ бошқарув тизимида янги оталиқ ва бекларбеги лавозимлари пайдо бўлди.² (18. 73-75)

Оталиқ юқори мансаб эди. Бир оталиққа бир қанча бек бўйсунар эди. Хон ўзига содиқ бўлган бекларни оталиқ қилиб тайинлади ва уларни назорат қилиб турди. 1859 йилдан 1870 йилгача оталиқ лавозимини кенегес уруғидан Эрназар, Қолдаули-бескемпир уруғидан Ўроз, Ошомойли уруғидан Тўрамурот, кўстамғали уруғидан Адаллар эгаллаган. Уларнинг барчаси Хива хонига яхши хизмат қилганлар.

Бекларбеги Хива хони томонидан ўрнатилган энг юқори мансаб эди. Уларга беклар ва оталиқлар бўйсунган. Бекларбегилар иккита бирлашган қорақалпоқ қабилалари бўлган ўн тўрт уруғ ва қўнғирот уруғларини бошқаришган. Хонга бевосита бекларбеги мурожаат қила олган. Бундай тизим қорақалпоқларни бошқаришни осонлаштирган. Майда чуйда бахслар энди

¹ Камалов С.К. Каракалпаки в XVIII-XIX веках. Ташкент, 1968, с.256

² История Каракалпакской АССР с древнейших времен до наших дней. Т. I, Ташкент, 1974, с.151

марказий ҳокимиятга етиб бормас эди. Феодал бошқарувда янги бўғиннинг пайдо бўлиши қорақалпоқ меҳнаткашларини эксплуатация қилишни, солиқларнинг ўсишини таъминлаб деҳқонлар учун оғир юк бўлиб тушди. Бу тадбир қорақалпоқлар жамиятини синфий табақалаштиришни кучайтирди ва чуқурлаштирди.

Хулоса қилиб айтганда қорақалпоқ халқи бағрикенг, калби дарё, донишманд ва сақий халқ. Бу халқ Султан Увайс Қараний, Ҳоким Ота киби азиз авлиёларнинг угутларидан куч олиб, маънавий маданияти бой халқ. Ушбу муҳаддас тупроқ муҳаббати Кунходжа ва Бердақни булбулдай сайраган шоир этган, Эрназар бий, Оллоёр Дўстназаров киби баҳодирларни озодлик учун курашга чорлаган¹. Мустақиллик шарофати билан қорақалпоқ халқи кўплаб маънавий бойликларини қайта тиклаш имкониятига эга бўлди.

¹ Каримов.И.А. Жаңаша ойлаў-дәўир талабы. Нөкис: Қарақалпақстан. 1997-ж 3-б.

Хулоса.

Ўзбек халқи мустақилликка эришиши билан унинг миллий ўзлигини англашга катта имкониятлар яратилди. Миллий давлатчилик асосларимиз яратилаётган бугунги кунда тарихимизнинг барча соҳалари қаторида аждодларимиздан қолган сиёсий меросимизни чуқур ва ҳолисона тадқиқ этиш долзарб масалалардан бирига айланди.

Зеро, ўзбек халқининг миллий давлатчилик тарихи минг йиллар аввал шаклланган бўлиб, бугунги кунда қурилаётган давлат асосларимиз тарихнинг бизга берган тасодифий имконияти эмас. Тарихнинг илдизлар бор жойда тараққиёт бўлиши ҳақидаги ўзгармас қонуниятлари мавжуд. Бу қоидалар бугунги кунда ўзбек давлатчилиги мисолида ўз ифодасини топмоқда. Ҳозирги даврда халқимизнинг сиёсий меросини қайта тиклаш ва уни сайқаллаштирган, модернизация этган ҳолда давом эттириш давр эҳтиёжига айланди.

Мустақиллик йилларида олимлар томонидан олиб борилаётган кенг қўламли тадқиқотлар аждодларимиз томонидан бой тарих, ўзига хос миллий давлатчилик таълимотлари, йирик маънавий бойликлар яратилганлигини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда халқимизнинг илмий жиҳатдан манбаларга асосланган тарихини яратиш вазифаси қуйилган. Қорақалпоқ халқининг тарихини ўрганишда Хива хонлигидаги тарихчиларнинг асарлари ва Хива хонлиги архив ҳужжатларини ўрганиш муҳим ўрин тутди. Қорақалпоқ халқининг иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий воқеаларини характерлаб берадиган ҳужжатлар халқимиз тарихи учун катта аҳамиятга эгадир. Амалда ёзма манбалар ва архив материаллари тарих фанини ўрганишдаги асосий манбалардан бири ҳисобланади.

Қорақалпоқларнинг Амударё дельтасига Хоразмнинг шимолий-шарқига жойлашуви узоқ вақтларни ўз ичига олган. Хоразм тарихчилари Мунис, Огаҳийларнинг берган маълумотларига кўра, қорақалпоқлар фақат Муҳаммад

Амин инок даврида (1755-1790) Хива хонлиги худудида жойлашиш учун ижозат сўраганлар.

Мухаммад Амин инок уларга дельтанинг шарқий қисмидаги Кўкўзак ва Орол оралиғида жойлашишга рухсат берган. Огаҳий Қорақалпоқларнинг Шерғозихон замонидаёқ (1715-1728) вақти-вақти билан бу ерларга бостириб кириб турганлигини қайд қилади. Аммо, хоннинг ҳужумлари бу ерда узок яшаб қолишга имкон бермаган, дейди.

Қорақалпоқларнинг Хива хонлиги билан алоқалари ҳақида «Фирдаусу-аль-икбаль» асарида куйидаги маълумотлар берилган. 1714-йили оролли узбеклар Хива хони Ядгархонга қарши урушда қорақалпоқлар билан иттифок тузган. Хива хони Ширгази даврида у қорақалпоқларга қарши 5 минг лашқар тортиб, қорақалпоқларни Сирдарё ва Янгисув бўйига қучиб кетишга мажбур қилади.

«Фирдаусу-аль-икбаль» асарида Мухаммад Амин инок (1770-1790 йиллар ҳукмронлик қилган) Туркистондан қучиб келган қорақалпоқларга ер ва яйлов бердилар, улардан туркманларга қарши юришларда лашқар сифатида фойдаландилар деб езилган. Мухаммад Амин инок даврида қорақалпоқлар Жанадарё ва Қувандарё томонларида яшашни давом этган.

1790-1804 йиллари Мухаммад Амин инокнинг угли Аваз инок хон тахтига утириб, қорақалпоқларни иккига бўлиб бўйсунтириш сиёсатини олиб борган. Қолдаулы уруги раҳбари Айдос бий биринчилардан бўлиб Хива хони томонига утиб, Қок-узьяк бассейнида ер ва яйлов олган. Айдос бий оролли узбеклар ва Жанадарёли қорақалпоқларни Хива хонлигига бўйсунтиришда катта хисса қушган.

Мунис ва Огаҳийлар томонидан яратилган асарлар Хоразм тарихи ва маданиятини ўрганишда бирламчи манба бўлиб шу билан бирга Хива хонлиги таркибида яшовчи қорақалпоқларнинг сиёсий тузуми, бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид маълумотларни аниқлашда ҳам яқиндан ёрдам беради.

Хива саройи тарихчиси Мунис Хива хони Элтузер хон 1804-1806 йиллари хукмронлик килган даврида коракалпокларнинг китой уруги бир булими оролли узбеклар билан иттифокда булган булса, иккинчи булими Элтузер хонга мурожаат етиб, ердам сураганлигини езади. Демак, шу даврда коракалпоклар оросида Хива хонлиги, Бухоро амирлиги, хаттаки Кукон хонлигига буйсуниш тугрисида харакатлар булган экан.

1806 йили Элтузер хон вафот этиб, хон тахти Мухаммад Рахим хонга утади. У 1806-1825 йиллари хукмронлик килган. Мухаммад Рахим хон оролли узбекларга карши юриш кийин булганлиги сабабли, Амударё куйидаги коракалпокларни буйсунтиришга киришади. Бу даврда коракалпокларнинг бир булими Оролли узбеклар хокими пукоролари эди. Ушбу коракалпоклар Ак жагыс, Есим арнаси, Даукара худудларида урналашган эди.

Мухаммад Рахим хон мана ушбу Ак жагыс коракалпокларини буйсунтиришни бошлади. 1808 йили Айдос бий Хива хони ердамида оролли узбеклар билан тухнашади. Натижада 1809 йили Ак-жагыс буйидаги коракалпоклар Айдос бийга буйсунади. 1807-1810 йиллари Мухаммад Рахимхон Амударёе куйидаги коракалпокларга бир нечта маротоба юриш уюштириб, уларни буйсундиради. Мухаммад Рахимхонга коракалпок бийларидан Айдос, Кадирберган, Косберган, Шагал бийлар ердам беради. Айдос бий Ак жагыс корганы урнига янги калъа курдиради ва уз номини беради.

1811 йили Мухаммад Рахим хон оролликларга карши хужум уюштириб, Қўнғирот хокими Тўрамурод сўфи вафот этган. Натижада Орол давлати тўгатилади.

XIX аср биринчи ярмида коракалпоклар Амударё ун томонида Кушканатов, Кегейли, Кокузак дехкончилик оазисларин, дарёнинг чоп томонида Шанлыбасу, Шоманай, Кыятжарган, Канлыкул воҳаларин пайдо этди. XIX асрда Шымбай, Шорахан, Мангыт, Кыпчак, Кунгирот, Хужайли хужалик воҳаларинда турмуш кечирди.

Баёний Муҳаммад Амин иноқ Кўкўзак нахрининг орқаси Орол денгизигача қорақалпоқ жамоаларига инъом этилгани, Элтўзар иноқ эса бир неча қорақалпоқ қабила уруғларини Оқёқишга мажбурий кўчиртириб, ер бергани, Муҳаммад Раҳимхон Оқёқишда кўрғон қурдириб махсус ёрлиқ билан бутун қорақалпоқларга Ойдуст бийни ҳоким қилиб қўйгани ҳақида ёзади. Баёний асарида бундай маълумотлар кўплаб учрайди.

Мунис асарларида қорақалпоқларнинг Хоразмга ўз ихтиёри билан кўчиб келганлари, Муҳаммад Амин Иноқдан махсус ёрлиқлар билан экин ерлари ва ўтлоқларни олиб унинг эвазига хирож ва закот солиқларини тўлаб келганликлари ҳақида ёзган.

Муниснинг ёзишича, 1809 йил январда Орол вилоятига қарши юриш қилган. Муҳаммад Раҳимхон қўшини Кенггаирдан Манғит калъасига кетадиган йўлдаги Кулёрғонга келганда Очомойли ва қиёт қабиласининг бошлиқлари Эсанкелди маҳрам уғли Мақатбий хон олдида келиб 1000 уйлик қорақалпоқ билан хонга буйсунганлигини билдирди. Хон уларга Хўжайли атрофидан ўтлоқ ва яйлов учун ерлар инъом этган. Бир неча қорақалпоқ оқсоқоллари Хитой Эсанбий бошчилигида хонга буйсунишини билдириб, 500 хўжалик билан Хоразмга кўчиб келган, ундан ташқари Хоразмга Кўккўзбий бошчилигидаги 2000 хўжалик Бухоро қорақалпоқлари кўчиб келган.

Мунис ва Огаҳийларнинг маълумотларига кўра Муҳаммад Раҳимхон 1225 (1810- 1811) йили Шўркўл устига юриш қилганида у ерда яшаётган Хўроз, Экиликбий бошчилигида 400-5000 уйлик қиёт ва 2000 уйлик Қунғирот қорақалпоқларини мажбурий равишда Хўжайли атрофига кўчирган.

Шундай қилиб, Муҳаммад Амин иноқ даврида қорақалпоқларга Кўкўзак қирғоқларидан тортиб Орол денгизигача бўлган ерларда ўрнашиш учун расмий рухсат берилган бўлса Муҳаммад Раҳимхон 1 даврида уларнинг бир қисми Оролнинг шимолий - ғарбий туманларига кўчирилган.

Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг «Риёз-уд-давла» атамасидаги меҳнатида Оллоқулихон Хукмдорлиги (1825-1843) давридаги воқеалар ўз ифодасини

топган. Ушбу асарда хижрий 1249 (1827-1828) йилдаги Айдос бий қўзғолонининг сабаблари халқдан йиғиладиган солиқларнинг кўплиги ва оғирлиги кўрсатилган. Огаҳий меҳнатининг охирида «Айдоснома» атамасидаги шеърий қаторлар берилган.

Магистрлик диссертацияимизни ёзишда Я.Ғ.Ғуломовнинг «Хоразмнинг суғорилиш тарихи» асари, Қ.Мунировнинг «Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари», Абулғози Боҳодирхоннинг «Шажарай турк» асари, О. Жалиловнинг «XIX-XX аср бошларидаги қорақалпоқ тарихидан» асари, А.Кўшжановнинг XIX аср охири XX аср бошларида Хива хонлигидаги аграр мунособатларга бағишланган илмий меҳнатлари ҳамда бошқа бир қатор авторларнинг ишлари билан яқиндан танишиб чиқдик.

Ишимизда Хива хонлиги тарихчилари асарлари ва архив ҳужжатлари асосида қорақалпоқ халқининг XVIII-XX аср бошларидаги жойлашуви, маъмурий тузилиши, бийлари, ер эгалиги, чорвачилик хўжалиги, солиқ сиёсати ҳамда қорақалпоқларнинг озодлик ҳаракатлари ҳақидаги масалаларни ўрганишга ҳаракат қилдик.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Шарқ, Т., 1998.
2. Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоблар. Ўзбекистон. Т., 1999.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. - 174 б.
4. Каримов И.А. Энг асосий мезон ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.2009
5. Каримов И.А. Тарийхтан сабақ алып, заман менен тең қәдем таслап жасаў бүгинги турмыстың қатан талабы.//Еркин Қарақалпақстан, 17 май 2012 жыл.
6. Абўлғози Баҳодирхон. Турклар шажараси. Нукус, 1994.
7. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Ўқитувчи.Т., 1994.
8. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Ўқитувчи. Т., 2001.
9. Абдрасулов А. Социально-экономическая и культурная жизнь г.Хивы в конце XIX - начале XX вв. Автореф. дисс. к.и.н. Ташкент, 1987. 24 с.
10. Андрианов Б. В. Архив А. Л. Куна //Советская этнография, 1951. №3. с. 149-155.
11. Андрианов Б. В. Этническая территория каракалпаков в Северном Хорезме//Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР, 1958. т.3, с. 7-132
12. Бартольд В. История культурной жизни Туркестана//Бартольд В. Сочинения. Москва, 1963. т.2, ч.1, с.270-276.
13. Бартольд В. К истории орошения Туркестана//Бартольд В. Сочинения. - Москва, 1965, т. 3, с. 97-237
14. Брегель Ю.Э. Документы архива хивинских ханов по истории и этнографии каракалпаков М., 1967.
15. Брегель Ю.Э. Хорезмские туркмены в XIX в. Москва: Наука, 1961. 240 с.

16. Досумов Я.М. Очерки истории Каракалпакской АССР, 1917-1927. Нукус-Ташкент: «Фан», 1960, 421. с.
17. Джалилов А. Из истории каракалпаков XIX—нач. XX вв. —Ташкент: Фан, 1986.
18. Жалилов О. XIX-XX аср бошларидаги каракалпок тарихидан Фан. Т., 1985
19. Жалилов О. XIX-XX аср бошларидаги каракалпоклар тарихига оид муҳим ҳужжатлар. Тошкент 1977.
20. Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. Ленинград. 1950.
21. Иванов П. Архив хивинских: ханов. Ленинград, 1940, 289 с.
22. Иванов П. Очерки истории каракалпаков//Материалы по истории каракалпаков. Москва-Ленинград, 1935, с.9-89
23. История народов Узбекистана. Ташкент:Фан, 1993, т.2
24. История Каракалпакской АССР с древнейших времен до наших дней. Ташкент:Фан, 1986, 330 с.
25. История Каракалпакской АССР в 2-х томах. Ташкент: Фан, 1974
26. История Хорезма с древнейших времен до наших дней. Ташкент: Фан, 1976, 450 с.
27. Ёўлдошев М.Ю. Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. Т., 1959.
28. Ёўлдошев М.Ю. Материалы по истории каракалпаков// Общественные науки в Ўзбекистана 1965 № 1.
29. Камалов С.К. Завоевание каракалпаков хивинскими ханами в конце XVIII-начале XIX вв. Нукус:Госиздат, 1959, 120 с.
30. Камалов С.К. Каракалпаки в XVIII-XIX веках. Ташкент, 1968, 328 с.
31. Камалов С. К. Социально-экономическое и политическое положение каракалпаков в XVIII-XIX веках. Автореф, дисс... д.и.н. Ташкент, 1967
32. Камалов С.К. Новые данные о Кунградском восстании 1858-1859 гг. // Вестник ККФАН УзССР, 1965, №1, с.3-14

33. Камалов С.К. 1858-1859 жыллардағы Қоңырат көтерілисі хақында //Өміўдәрья, 1959, №8, 56-78 б.
34. Камалов С.К. Вамбери қарақапаклар туўралы. Нөкис, 1995, 34 с.
35. Камалов С.К, УббиниязовЖ, Кощанов А. Из истории взаимоотношений каракалпаков с другими народами Средней Азии и Казахстана в XVII-начале XX вв. Ташкент:Фан, 1988, 108 с.
36. Қарақалпақстанның жаңа тарийхы. Қарақалпақстан XIX әсирдиң екинши ярымынан XXI әсирге шекем. Нөкис: Қарақалпақстан, 2003.
37. Кощанов А. Из истории аграрных отношений в Хивинском ханстве в конце XIX-начале XX вв // Автореф.канд., дис., 1966.
39. Маънавият юлдузлари. Тошкент. 1999
40. Материалы по истории каракалпаков. - Москва-Ленинград, 1935. - 340 с.
41. Материалы по истории туркмен и Туркмении. -Москва-Ленинград. 1938. - 350 с.
42. Материалы и исследования по этнографии каракалпаков. Под редакцией Т.А. Жданко. Москва 1958
43. Матниёзов М. Хива хонлигида яшаган халқлар ва уларнинг хонлик ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва роли (XIX аср - XX аср бошлари). 2-нашри. - Урганч, 2004. - 23 б.
44. Матниёзов М. Хоразм тарихи. - Урганч, 2005.
45. Маҳмудов М. Хоразм тарихидан саҳифалар. - Урганч, 1998.
46. Михалева Г.Узбекистан в XVIII-первой половине XIX вв.Ташкент: Фан, 1991, 230 с.
47. Муниров К. Мунис, Огахий ва Баёнининг тарихий асарлари. Тошкент, 1960, 172 б.
48. Садыков А.С. Россия и Хива в конце XIX - начале XX вв. Ташкент: Наука, 1972, 240 с.
49. Садыков А С. Города Хивинского ханства в конце XIX - начале XX вв// Материалы по истории и археологии Узбекистана. Научные труды ТашГУ-

Ташкент, 1973. -Вып. 441.с.69-71

50. Самойлович А.Н. Сокращенный перевод отрывков из хивинских хроник XIX в. о хивинско-каракалпакских отношениях //МИКК-Москва-Ленинград, 1935. С. 135-150

51. Тухтаметов Т.Г. Россия и Хива в конце XIX - начале XX в. Ташкент, 1969

52.Тлеумуратов М. Бердақтың шығармаларындағы тарихый дереклер.-Нөкис: Қарақалпақстан, 1968

53. Толстов С.П. Города гузов. СЭ. 1947. №3

54. Ўзбекистон тарихи. Тошкент 2000.

55. Ўзбекистон тарихи. Тошкент 2003.

56.Ўзбекистоннинг янги тарихи. Т.І, Тошкент 2000.

57. XIX аср Хива давлат ҳужжатлари. II том, Т., 1960.

58. Шалекенов У.Х. К вопросу о взаимоотношениях казахских племен с оседлым и полуседлым населением Хорезма в XVIII-XIX вв. Москва, 1964, 240 с.

59. Шалекенов У.Х. Казахи низовьев Амударьи. Ташкент, 1966

60. Шамамбетов Б., Юсупов О. Ўзбекстан ҳам Қарақалпақстан халықлары тарихы бойынша дереклер. Нөкис, 1995, 96 б.